



1930 йил
12 майдан
чиқа
бошлаган

ПОДЕШУРА

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри

№ 48 (3420)

2001 йил 29 ноябрь, пайшанба

Сотувда эркин нарҳда

ИИВ ҲАЙЪАТИ МАЖЛИСИДА

Республика ИИВ Ҳайъатининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни республика Ички ишлар вазири, ички хизмат генерал-полковниги З. Алматов бошқарди.

Ҳайъат мажлисида уюшган ва рецидив жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш чора-тадбирлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги Фармонининг

ижроси ҳақидаги, ички ишлар идоралари объектлари, Ички ва Қоровул қўшинлари ҳарбий бўлинмалари, ўқув юртларидаги муҳандислик, тармоқ ва коммуникация, қозон ускуналари ҳамда транспорт воситаларининг 2001-2002 йиллардаги кузги-қишки мавсумга тайёргарлиги тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинди.

Йиғилишда кун тартибидан ўрин олган бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ҳамда тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўз мухбиримиз.

Б.Р.ПАРПИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Ички ишлар вазири ўринбосари,
милиция генерал-майори

ВАТАН РАВНАҚИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ ЙЎЛИДА

Сўнгги пайтларда дунёнинг улкан сиёсатдонлари томонидан ижобий эътироф этиб келинаётган мамлакатимиз — Ўзбекистон ҳақиқатда ҳам сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда жуда тез сўрғатлар билан ривожланиб бормоқда. Бу борада қўйилаётган амалий қадамлар, айтиш мумкинки, ўз даврдан бир неча ўн йилларга илгарилаб кетди.

Мамлакатимиз ўзига хос равишда тараққий этаётган, том маънода буюк келажақ сари дидил интилаётган бир пайтда амалдаги қонунчилигимизда ҳам замон ва ривожланиш талабларига мос равишда тегишлича ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиб бориш зарурияти туғилмоқда.

Шу боисдан, жорий йилнинг 29 августда бўлиб ўтган Олий Мажлиснинг Иккинчи чақирғи олтинчи сессиясида республикамиз Президенти Ислам Каримов суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш, жиноят тўғрисидаги қонун ҳужжатларини инсонпарварлик, адолат, ҳуқуқий фуқаролик жамияти принципларига мувофиқ равишда эркинлаштириш масаласига алоҳида тўхталиб ўтдилар. Пировардида Олий Мажлиснинг ушбу сессиясида депутатларимиз томонидан "Жиноят жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди.

2000 йил июнь ойида қабул қилинган, жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларидаги ислохотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастурининг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш ва демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, шахс, оила, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари муҳофаза-

сини кучайтириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онгини ошириш, фуқароларни қонунга бўйсунтириш, унга ҳурмат руҳида тарбиялаш бу чинакам демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти куришининг нафақат мақсади, балки унинг воситаси, энг муҳим шарт ҳам ҳисобланади. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, бу тараққийимизнинг ҳозирги босқичидаги бош стратегик вазифалардан.

Қабул қилинган ва ҳозирда амалда қўлланилаётган ушбу Қонунда ҳуқуқбузарлик ва жазо тизими ривожланган демократик давлатларда қўлланилиб келинаётган тамойиллар ва талабларга жавоб берадиган мезонлар асосида қайта кўриб чиқилди.

Оғир жазо, айниқса, фуқароларни жамиятдан ажратиш билан боғлиқ бўлган жазолар, очигини тан олиб айтиш керак, жиноятчиликнинг олдини олишда етарлича ўз самарасини бермапти.

Чунки, жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлигини ошириш жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда қонунни бузган шахнинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқдир. Жазонинг муқаррарлиги эса жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Шу сабабли, жиноят учун жазо тайинлаш борасидаги ишлар тубдан қайта кўриб чиқилди.

Маълумки, жиноят қонунчилигимизда барча жиноятлар ўз хусусияти ва ижтимоий ҳавфлигига қараб, тўрт гуруҳга бўлинади. Булар — ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, унча оғир бўлмаган, оғир ва ўта оғир жиноятлардир.

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар жиноят кодексигадаги жами 460 жиноят таркибидан 86 тасини ташкил этади. Жиноят қонунчилигини эркин-

лаштириш ва инсонпарварлик тамойилларига янада мувофиқлаштириш мақсадида 110 турдаги унча оғир бўлмаган жиноятлар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасига ўтказилди.

Ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар тоифасининг кўпайиши натижасида тергов ва суд органларининг қамоққа олиш билан боғлиқ бўлмаган ҳуқуқий чеклашлардан фойдаланиши сезиларли кенгайрилди. Энг эътиборли жиҳатларидан бири шуки, жиноятнинг бундай тоифасини содир этгани учун судланиб, озодликдан маҳрум қилинганлар жазони ижро этиш муассасаларида кўриқчисиз, эркин юриш ҳуқуқига, қариндош-уруғлари ва яқинлари билан чекланмаган миқдорда учрашиш ва бошқа бир қатор имтиёزلарга эга бўлди.

Ўн икки турдаги жиноят оғир тоифадан унча оғир бўлмаган жиноят тоифасига, етти тури эса ўта оғир жиноятлар тоифасидан оғир жиноятлар тоифасига ўтказилди. Бу ўзгаришлар ўз навбатида жазони енгилроғи билан алмаштириш, жазони ўташ муддатидан илгари шартли озод қилиш тартибини қўллаш мумкин бўлган маҳкумлар тақдирини енгиллаштирди.

Шунингдек, қонунчилигимизда иқтисодий соҳада жиноят содир этган шахсларга нисбатан иқтисодий таъсир чораларини қўллаш имкониятлари ҳам анча кенгайди, бунда озодликдан маҳрум қилиш ўрнига жазонинг жарима тури амалиётда кенг қўлланилмоқда ва етказилган моддий зарарни қоплашга қаратилган бошқа таъсир чоралари кўрилмоқда.

Қонундаги ижобий кўрсаткичлардан яна бири, иқтисодий жиноятлар содир этганликда айбланувчи шахс тергов ва суддан яширинишга (бу нарса кейинги пайтларда тез-тез содир бўлаёт-

(Давоми 2-бетда).

Бош муҳаррир минбари

ҲАЁТИМИЗ ҚАДРИ ВА МАЗМУНИ

Муболагасиз айтиш мумкинки, ҳозирги мактаб ўқувчилари ҳаёти-мизинг Асосий Қонунини, айталик бундан 10 — 15 йил аввалги тенгдошларига нисбатан яхши билишади. Мактаблар ва бошқа билим даргоҳларида Президентимиз кўрсатмасига биноан биз барпо этаётган келажақнинг асоси бўлган ушбу ҳужжат ўргатила бошлангани кувончлидир.

Бу нафақат Ўзбекистонда аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ўстиришга катта аҳамият берилаётганини кўрсатмоқда. Бу Президентимиз Ислам Каримовнинг раҳбарлиги ва бевосита иштирокида ишлаб чиқилган Конституциямиз донишмандлик ва ҳаётий тажрибалар жамланган хазина бўлиб, унга таянган ҳолда замонавий ўзбек давлатчилиги пойдеворини кураётганимизни тасдиқлаб турибди.

Конституциямизнинг ҳар бир ҳолати бунга ёрқин далил бўла олади. Масалан, унинг 14-моддасида шундай дейилади: "Давлат ўз фаолиятини инсон ва жамият фаровонлигини кўзлаб, ижтимоий адолат ва қонунийлик принциплари асосида амалга оширади". Асосий Қонунимиздаги ушбу ҳолат том маънода ўзида мамлакатимизнинг ички сиёсатини акс эттиради, десам муболага эмас.

Бу йил, аниқроғи, бир ҳафтадан озгина кўпроқ вақтдан кейин кўп миллатли халқимиз мамлакатнинг давлат, жамият, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий курилишида муҳим аҳамият касб этган ва этаётган ҳужжат қабул қилинганлигининг тўққиз йиллигини тантанали равишда нишонлайди.

Ушбу тантаналар арафасида эса мустақил Ўзбекистон олий қонунчилик органи — Иккинчи чақирғи Олий Мажлиснинг еттинчи сессияси ўз ишнини бошлайди. Ҳозирда депутатларимиз асосий эътиборни халқ вакилларининг навбатдаги анжуманида кўрилиши кутилаётган ҳужжатларнинг лойиҳасини ишлаб чиқишни ниҳоясига етказиш ва такомиллаштиришга қаратишяпти.

Парламент кун тартибига киритилган масалалар рўйхатининг бошида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг "Халқаро терроризмга қарши кураш тўғрисида"ги мурожаати ҳақидаги масала турибди. Халқаро терроризм ва диний экстремизмдек умумсайёра муаммосини сиёсий жиҳатдан ҳал этишда катта аҳамият касб этувчи ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши муҳимдир. Ўзбекистон айни пайтда антитеррористик операциялар амалга оширилаётган Афғонистон билан умумий давлат чегарасига эга ва шу боис халқи азоб-уқубатларни бошидан кечирган қўшни давлат заминидан тезроқ тинчлик ва барқарорлик ўрнатилишидан бошқа давлатларга нисбатан кўпроқ манфаатдордир.

Боз устига, ўзбекистонликлар терроризм ва у келтирадиган кулфатлар ҳақида фақат эшитибгина қолишмаган. Уларнинг кўпчилиги Тошкентда рўй берган террорчилик ҳаракатлари, куролланган жангарилар Сурхондарё ва Тошкент вилоятлари тоғли ҳудудларига сукулиб киришга уринганликларининг гувоҳи бўлишган.

Терроризм тинчлик ва барқарорликка ҳавф солувчи даҳшатли офат эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Ушбу ҳавфга етарли баҳо бермаслик аянчи оқибатлар — кўплаб қурбонлар берилиши, халқлар ўртасида фуқаролар уруши келиб чиқиши, миллатлараро, динлараро ва давлатлараро муносабатлар кескинлашишига олиб келади. Шу боис Марказий ва Жанубий Осиёда кечаётган жараёнлар ҳар биримиздан барқарорлигимиз, кўп миллатли халқимизнинг тинч ҳаётига раҳна солувчи барча ҳолатларга лоқайд муносабатда бўлмай, ниҳоятда хушёр турмуш кечиришимизни талаб этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримов кутилаётган ҳавф хусусида инсониятни бир неча марта огоҳлантирган эдилар. Юртбошимизнинг 1993 йил БМТ Бош Ассамблеясининг 48-сессиясида сўзлаган нутқи, 1997 йил турли қитъалардаги қатор мамлакатларда нашр этилган "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ҳавфсизликка таҳдид, тараққий шартлари ва кафолатлари" асарида илгари сурилган ғоялар, 1999 йил Европада ҳавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Истамбулда бўлиб ўтган саммити, 2000 йил БМТ Бош Ассамблеясининг мингйиллик саммитида билдирган мулоҳазалари, шунингдек, халқаро анжуманлардаги маърузалари бунинг тасдиғидир. Ўзбекистон етакчиси ўз халқи ва жаҳон жамоатчилигини ҳавфдан вақтида огоҳлантирди ҳамда халқаро терроризмга қарши кураш бўйича аниқ таклифлар киритди.

Ўзбекистон XXI аср вабоси — халқаро терроризмга қарши курашдан манфаатдордир. Ушбу манфаатдорлик мамлакатимиз ва келажақ авлод олдидаги бурчимиз — республикада тинчликни таъминлаш, аҳоли хотиржамлигига эришиш, одамларда эртанги кунга бўлган ишончنى мустаҳкамлашда ўз ифодасини топган.

Парламент аъзоларининг навбатдаги йиғинида Ўзбекистон Республикасининг 2002 йилдаги Давлат бюджети лойиҳаси ҳам муҳокама қилинади, албатта. Мамлакатимизнинг келгуси йилга мўлжалланган бош молиявий ҳужжатини ишлаб чиққанлар ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий, ҳимоя қилишга сарфланадиган бюджет харажатлари самарадорлигини ошириш, қатор муҳим йўналишлар бўйича инвестиция дастурларини устувор молиялаштириш, иқтисодийнинг муҳим тармоқларини молиялаштириш, шунингдек, иқтисодий суръати оширилишини таъминлаш, аҳоли турмуш даражасини юксалтиришга қаратилган бошқа чораларни кўзда тутишган.

Шундай қилиб, учинчи мингйилликнинг биринчи йили ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Декабрь ойи давомида халқимиз томонидан келгусида ҳаётимизни янгилаш борасидаги бошқа вазибалар ҳам амалга оширилади. Бугунги кунда эса шунини ишонч билан айтиш мумкинки, изчил суверен ривожланиш давомида ҳаётимиз мазмуни ва донолигини тушуниб етдик. Қўлга киритган мустақиллигимиз барча-мизни фаровон ва муносиб турмуш сари элтишига ҳам тўлиқ ишонч ҳосил қилдик.

ВАТАН РАВНАҚИ, ЭЛ ФАРОВОНЛИГИ КАФОЛАТИ ЙЎЛИДА

(Боши 1-бетда).

ган эди) ҳаракат қилмапти. Айбланувчини эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаш ўрнига гаров ва тегишли хулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат олинаётганлиги ҳамда бошқа чоралар кўриляётганлиги бунга асосий омил бўлмоқда.

Жиноят кодексининг бешта моддасига (агар жиноят содир этган шахс етказилган моддий зарарни тўлиқ қопласа) судлар томонидан озодликдан маҳрум этиш жазосини қўлланмаслик нормалари киритилиб, жазо белгилашнинг муқобил турларини қўллаш жорий этилмоқда.

Энг муҳим масалалардан бири бўлган ўлим жазоси жинорий жазо чораси сифатида қолдирилди. Чунки, Ўзбекистонда ўлим жазосини қўллашга доир жиноят қонунчилиги сиёсати бутун жаҳонда кечаётган жараёнларга мос бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси моҳиятидан келиб чиқадиган инсонпарварлик тамойилларини ўзида тўла акс эттиради.

1994 йил Жиноят кодекси қабул қилинганда ўн учта моддада жазо чораси сифатида ўлим жазоси кўзда тутилган эди. 1998 йили бу жазо тури Жиноят кодекси-

нинг бешта моддасидан олиб ташланди. Бугунги кунда эса ўлимга ҳукм қилиш жазосини қўллаш лозим деб топилган саккизта моддалар фақатгина тўрттаси қолдирилди. Шунга асосан, эндиликда фақатгина тўрт турдаги — агрессия, геноцид, террорчилик, оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш каби жиноятлар учун ўлим жазоси қўлланилиши мумкин. Чунки, халқаро нормаларга мувофиқ уларга энг оғир жиноятлар сифатида қаралади ва ўта қаттиқ жазо тайинлашни тақозо этади.

Қонунчилигимизда жинорий жазо тури сифатида мол-мулкни мусодара қилиш жазосини қўллаш тартиби ҳам қайта кўриб чиқилди. Чунки қонунни бузган оила бошлигининг қилмиши учун унинг оила аъзолари азият чекмаслиги керак. Аммо **жинорий йўл билан ортирилган** мол-мулк ва бойликларни мусодара қилиш ва етказилган зарарни мол-мулк ҳисобидан ундиришга доир қонун нормалари ўз кучида қолади.

Шунингдек, жиноят содир этган вояга етмаганлар, аёллар ва кексаларга нисбатан қўлланиладиган жазо тизими ҳам қайта кўриб чи-

қилиб, уларга жазо тайинлашда бир қатор енгилликлар яратилди.

Очиқ тан олишимиз керак, жазони ижро этиш муассасаларидаги шарт-шароитлар, қайта тарбиялаш борасидаги тадбирлар нечоғли яхши ташкил этилмасин, барибир бу маскан ёшларимизни тарбиялайдиган жой эмаслиги тобора равшан бўлиб бормоқда. Шу ўринда доно халқимиз томонидан айтилган "Яхшининг шарофати, ёмоннинг касофати уради" иборасини эслаб ўтмасак бўлмас. Эътибор беринг, кўп ҳолларда арзимас қилмиши эвазига қаттиқ жазо олган навқирон йигитлар айнан шу ерда жиноят оламига киради, ашаддий жиноятчиларга қўшилиб, уларнинг турмуш тарзига хос кўникмаларни эгаллаб бошлайди. Шу боис, қонунчилигимизда белгиланган енгиллик уларга ижобий таъсир кучи кучли бўлган бошқа тарбиявий усуллар қўллаш имкониятини беради.

Вояга етмаганлар томонидан ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки эҳтиётсизлик оқибатида жиноят содир этилса, уларга нисбатан озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилмайди.

Жиноят кодексига киритилган ўзгартиришларга

асосан, олтмиш ёшдан ошган эркеклар ва аёлларга нисбатан тайинланадиган озодликдан маҳрум қилиш шаклидаги юқори жазо муддатлари ҳам камайтирилди. Бу тоифадаги кишиларга бирор бир жинояти учун бериладиган жазо қонунда назарда тутилган энг юқори муддатнинг тўртдан уч қисмидан ошмайди.

Ёши 60 дан юқори бўлган эркекларга ўлим жазоси қўлланилмайди.

Жиноят ва Жиноят процессуал қонунчилигини эркинлаштириш ва демократлаштиришда ишларни кўриб чиқиш тартиби содалаштирилди, жинорий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатлари қисқартирилди.

Чунки, баъзи бир ишлар ойлаб, йиллаб тергов идоралари томонидан ўрганилади, сўнгра судда кўрилиши учун яна навбат кутиб ётади. Амалдаги қонунларга кўра, жиноят ишларини дастлабки тергов қилиш икки йилгача, айбланувчини қамоқда ушлаб туриш муддати эса бир ярим йилгача узайтирилиши мумкин эди. Аммо бу муддатнинг ҳар бир куни ҳукм чиқарилишини кутаётган одам учун жазонинг ўзидан ҳам оғирроқдир.

Шу сабаб жиноят кодексида тергов қилиш ва ҳибсда сақлаш муддатлари тўққиз ойга қадар камайтирилди.

Яна бир янгилик. "Жабрланувчи билан ярашув" тўғрисидаги алоҳида тоифадаги иш юритиш тартибининг жорий этилиши жиноят ишини кўриб чиқиш процессини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир этган шахс, агар муқаддам судланмаган бўлса ва ўз айбини бўйнига олса, жиноят оқибатида келтирган зарарни тўласа ҳамда жабрланувчи билан ярашса, суд ишни ҳаракатдан тўхтатилади, бу ҳолатда жиноят содир этган шахс судланган деб ҳисобланмайди.

Хулоса қилиб айтганда, Жиноят, Жиноят процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга киритилган қўшимча ва ўзгартишлар жиноят ишидаги тааллуқли қонунларни эркинлаштириш ва демократлаштириш сари ташланган муҳим қадам бўлди. Фақат шуни англаб олиш зарурки, бу ишни амалга оширадиган ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари фаолияти тубдан

ўзгартирилмас экан, бу қонун нормалари тўла-тўқис ишламайди ва ижобий самара бермайди.

Шу мақсадда ҳозирги вақтда ички ишлар идоралари томонидан қонунчиликни мустақамлаш ва уларни эркинлаштириш борасида ҳуқуқий ислохотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Жиноят ва Жиноят процессуал кодекслари билан боғлиқ барча меъёрий ҳужжатларига ўзгартиришлар киритилмоқда. Ушбу қонунни ички ишлар идоралари ходимлари томонидан мукамал ўзлаштириш ва амалиётга татбиқ этишда режа асосида ўқув машғуллари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, ушбу қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг моҳияти аҳоли ўртасида ўтказилаётган учрашуларда ходимларимиз томонидан кенг оммага тўшунтирилиб борилмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиманки, ушбу қабул қилинган қонунни амалиётда қўллаш ва ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ўртасида ўзаро ҳамкорликдаги ишлар яхши йўлга қўйилса, кўзланган мақсадларимизга албатта эришамиз.

ҚАСАМЁД ҚАБУЛ ҚИЛИШДИ

Кузги чақирув бўйича Ички кўшинлар сафига кўшилганлар яқинда ҳарбий Қасамёд қабул қилишди. Улар ёш аскар курси давомида сафда юриш, қуроллардан отиш кабилар бўйича кўникмалар ҳосил қилишди, ҳарбий жамоанинг кун тартиби, ҳарбий хизматчилар ўртасида низомларга мувофиқ муомала-муносабатларни ўзлаштирдилар.

Тажрибали офицерлар, сержантлар ёш укаларига хизмат алифбосини ўргат-

дилар. Ўтган қисқа давр ичида интизомга қатъий риоя қилиш, ўзаро ўртоқларча ёрдам ҳиси уларга сингдирилди. Бундан ташқари, балки энг

муҳими, Ватан ҳимояси эр кишининг муқаддас бурчи эканини ёш аскарлар англаб етишди. Буни улар қуролдошлари, ғамхўр сардорлари, узоқ-яқиндан келган ота-оналари олдида тантанали қасамёд қилиб, имзо чекиб тасдиқладилар. Эл-юрт тинчлиги, хавфсизлиги



йўлида бор кучларини, билимларини аямасликка, хизматнинг барча қийинчиликларини енгиб ўтишга онг ичдилар.

Халқимизнинг мард ўғлонлари ўз қасамёдларига содиқ қолишлари шубҳасиз. Чунки йигит сўзидан қайтмас, арслон изидан.

Ўз мухбиримиз А. МИРЗАМУҲАМЕДОВ олган суратлар.



МУҲОКАМА, МУНОЗАРА, ТАКЛИФ

Навоий вилояти ИИБда шаҳар, туман ички ишлар бўлимлари бошлиқларининг хизмат бўйича ўринбосарлари, профилактика инспекторлари, жазолар ижросини назорат этиш гуруҳи ходимлари иштирокида семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ИИБ бошлиғи ўринбосари, ички хизмат подполковниги Б. Нарзуллаев олиб борди.

Тадбирда Ўзбекистон Президентининг амнистия тўғрисидаги Фармони, республика Ҳукуматининг ички ишлар идоралари фа-

олиятини такомиллаштириш борасидаги Қарорлари қандай бажарилаётганлиги, ҲООБ ходимларининг жорий йилнинг ўтган даври

ичидаги фаолияти натижалари каби долзарб масалалар муҳокама қилинди. Кун тартибидеги асосий масалалар юзасидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бошқармаси бошлиғи С. Сатаев, мазкур бошқарма бошлигининг ўринбосарлари К. Муқимов, И. Раҳматов ва бошқалар маъруза қилишди.

Сўнг қизгин муҳокама бўлиб ўтди. Ўртага ташланган таклифлар, фикр-мулоҳазалар умумлаштирилиб, тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Семинар якунида барча қатнашчилар Қизилтепа туманида янги очилган милиция таянч пунктида бўлиб, у ерда профилактика инспекторлари, маҳалла побонлари учун яратилган хизмат шароитлари билан танишдилар.

Ҳукумат Қарорларида ҳам, вазирликнинг тегишли буйруқларида ҳам тергов хизмати ходимларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш, ўқитишга алоҳида эътибор берилган. Терговчи қонунларни, бошқа қонунчилик ҳужжатларини яхши билиш билан бирга ҳаётнинг паст-баланди, аччиқ-чучугидан анчайин хабардор бўлиши керак. У юқори муомала маданиятини эгаллаши, ҳеч қачон ўқиш-ўрганишдан тўхтамаслиги лозим. Бош бошқарманинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Б. Исмоиловнинг маърузасида шу масалаларга урғу берилди.

Маълумки, тергов хизмати юзасидан фуқаролар ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиб туришади. Жабрдийда тергов-суриштирув ҳаракатлари суст олиб борилаётгани, гумонланувчи ҳуқуқларини талаб этиб арз қилиши мумкин. Бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги М. Каримов ҳар бир мурожаатга қонун ва адолат юзасидан, эътибор билан муносабатда бўлиш нафақат тергов идоралари, балки умуман милициянинг обрўсини оширишини айтди.

Ҳар бир ишда бўлганидек, тергов соҳасида ҳам ҳисоботларнинг аҳамияти каттадир. Йиғилганлар Бош бошқарма бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги Ш. Муҳаммадиевнинг маърузасини тинглаб, бунга яна бир бор амин бўлишди.

Ҳар бир нотик ўз йўналишлари бўйича жойларда мавжуд камчиликларни атрофича таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини кўрсатдилар. Шундан сўнг эркин, ошқора вазиятда савол-жавоб, фикр алмашув бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари кўплаб фойдали амалий маслаҳатлар олишди.

Н. РАҲИМОВА, милиция катта лейтенанти.

АМАЛИЙ СЕМИНАР

Яқинда республика ИИБ Тергов Бош бошқармасида бир кунлик ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда Ҳукумат Қарори асосида тергов идораларида ислохотларнинг қандай кечаётганлиги, жинорий жазоларни либераллаштириш максатида қонунларга киритилган ўзгартишларнинг моҳияти ҳақида Бош бошқарма бошлиғи, милиция полковниги А. Шарафутдинов маъруза қилди. У жумладан, эҳтиёт чораларини қўллашда нималарга эътибор бериш кераклиги, терговчининг мустақиллиги анча ошганлиги борасида алоҳида тўхталди.

Ички ишлар идораларида тергов ишини ташкил этиш, уни мувофиқлаштириш ва назорат қилиш усуллари борасида бошқарма бошлиғи, милиция подполковниги А. Баҳромов сўзга чиқди. Нотик, айниқса, ёш терговчиларга амалий, услубий ёрдам кўрсатиш ҳамиша зарурлигини ўқитди.

Тергов жараёнининг сифатини оширишда ахборот-таҳлил бўлимларининг ҳам роли катта. Бўлим бошлиғи, милиция подполковниги Қ. Бобононов ўз сўзида ана шу хусусида тўхталди.

Ҳукумат Қарорларида ҳам, вазирликнинг тегишли буйруқларида ҳам тергов хизмати ходимларини танлаш, жой-жойига қўйиш, тарбиялаш, ўқитишга алоҳида эътибор берилган. Терговчи қонунларни, бошқа қонунчилик ҳужжатларини яхши билиш билан бирга ҳаётнинг паст-баланди, аччиқ-чучугидан анчайин хабардор бўлиши керак. У юқори муомала маданиятини эгаллаши, ҳеч қачон ўқиш-ўрганишдан тўхтамаслиги лозим. Бош бошқарманинг шахсий таркиб билан ишлаш бўйича бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Б. Исмоиловнинг маърузасида шу масалаларга урғу берилди.

Маълумки, тергов хизмати юзасидан фуқаролар ариза ва шикоятлар билан мурожаат қилиб туришади. Жабрдийда тергов-суриштирув ҳаракатлари суст олиб борилаётгани, гумонланувчи ҳуқуқларини талаб этиб арз қилиши мумкин. Бўлим бошлиғи ўринбосари, милиция подполковниги М. Каримов ҳар бир мурожаатга қонун ва адолат юзасидан, эътибор билан муносабатда бўлиш нафақат тергов идоралари, балки умуман милициянинг обрўсини оширишини айтди.

Ҳар бир ишда бўлганидек, тергов соҳасида ҳам ҳисоботларнинг аҳамияти каттадир. Йиғилганлар Бош бошқарма бўлим бошлиғи вазифасини бажарувчи, милиция подполковниги Ш. Муҳаммадиевнинг маърузасини тинглаб, бунга яна бир бор амин бўлишди.

Ҳар бир нотик ўз йўналишлари бўйича жойларда мавжуд камчиликларни атрофича таҳлил қилиб, уларни бартараф этиш йўл-йўриқларини кўрсатдилар. Шундан сўнг эркин, ошқора вазиятда савол-жавоб, фикр алмашув бўлиб ўтди. Семинар қатнашчилари кўплаб фойдали амалий маслаҳатлар олишди.

Ўз мухбиримиз.

РЕСПУБЛИКАМИЗДА ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ ОЙЛИГИ ДАВОМ ЭТМОҚДА

ТАДБИРГА ҲАММА МАСЪУЛ

Ёнгин назорати хизмати ходимлари томонидан тадбирлар бошлангандан буён 7255 та корхона, муассаса, хўжалик ва ташкилотлар, 409478 та хонадонларнинг ёнгинга қарши ҳолати текшириб чиқилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш борасидаги асосли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Аҳолини ойлик тадбирларга кенгроқ жалб қилиш ҳамда тушунтириш ишларининг сифатини ошириш мақсадида 628 минг 245 дан ортиқ нусхада эслатма, плакат ва шиорлар ишлаб чиқилиб, жойларга тарқатилди. Корхона, маҳалла кўмиталари, мактаблар, олий ва ўрта ўқув юртлири ҳамда фуқаролар кўпроқ тўпландиган жойларда фойдаланиш учун кўргазмалар қуроллар билан жиҳозланган 807 та ёнгин хавфсизлиги бурчаклари ташкил этилди.

Маҳаллаларда, ўқув юртлирида, маданий муассасаларда, истироҳат боғларида, завод ва фабрикаларда учрашувлар ташкиллаштирилиб, содир бўлаётган ёнгинлар, кўрилатган моддий

зарар ва уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари хусусида суҳбатлар ўтказилди.

Ёнгин хавфсизлиги талабларини бажармасдан, беписанд қараб келаётган кишиларнинг 4160 нафарига 6 420 200 сўм миқдорига жарима солинди. Корхона, ташкилот ҳамда муассасаларнинг ёнгин хавфсизлигига масъул бўлган ходимлари томонидан ёнгин чиқиш хавфи бўлган 1739 та хоналарни, 9164 та агрегат ва мосламаларини иш фаолиятлари кўрсатилган ёнгинга қарши тадбирларни бажаргунларига қадар вақтинча тўхтатиб қўйилди.

Ёнгин хавфсизлиги ойлигининг дастлабки кунлариданоқ содир бўлаётган ёнгинлар сони 153 тага,

улардан тан жароҳати олиш ҳоллари 17 тага, шу жумладан ёнгинлар туфайли кўрилатган моддий зарарнинг 84,6 фоизга камайишига эришилди.

Мирзо Улуғбек тумани Сайрам кўчаси 43-уй 18-хонадонда яшовчи А. Деев маст ҳолда сигарет чекиб ухлаб қолганлиги оқибатида ёнгин содир бўлди. Натижада елкаси, бели ва икки қўли куйиб, касадхонага ётқизилди.

Дўстлик шаҳри Мевазор кўчаси, 9-уй 1-хонадонда яшовчи М. Усмоновнинг хонадонидан газ ёрдамида иситиладиган печнинг носозлиги сабабли ёнгин содир бўлиб, унинг томи, шифти ва уй жиҳозлари зарарланишига олиб келди. Ўтказилган моддий зарар 50.000 сўмни ташкил этди. Ёнгин вақтида уй эгасининг фарзандлари — беш ва бир яшарли Севара ва Камоланинг юзи, қўли оёқлари куйиб, шифохонага ётқизилди.

Учқўрғон тумани Кўгай қишлоғи А. Рустамов кўчаси, 52-уйда яшовчи А. Баҳромов хонадонидан ҳам газ ёрдамида иситиладиган печни носоз ҳолда ишлатгани сабабли ёнгин содир бўлган. Натижада унинг томи ва қисман уй жиҳозлари ёниб, хонадон эгасига 200.000 сўмдан ортиқ зарар етган.

Бундай ҳолатларга йўл қўймаслик мақсадида республика ИИВ Ёнгин хавфсизлиги Бош бошқармаси куйидагиларга жиддий амал қилишларини сўрайди:

— газ мосламалари ва иситиш печларининг техник ҳолатини доим соз бўлишига эришинг, озгина носозлиги аниқланган бундай мосламалардан фойдаланманг!

— газ плитаси очик оловдан хонани иситиш мақсадида фойдаланманг ва бундай жиҳозларни тунда ёқиб, назоратсиз қолдирманг.

— газ чиқаётган хонада туриб қўнғироқ қилиш, электр жиҳозларини ёқиш ёки ўчириш портлаш содир бўлишига олиб келишини унутманг.

**Р. АСЛОНОВ,
У. АКРОМОВ.**

АМАЛИЙ МАШГУЛОТЛАРГА ЭЪТИБОР

Ёнгин хавфсизлиги ойида тадбирлар уюшқоқлик ва фаоллик билан олиб борилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон республикаси ИИВ ЁХБ бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Якуббой Ҳажиматдинов. — Бу борада, айниқса, Беруний туманида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ. — Шу суҳбатдан сўнг Беруний туманида бўлди.



— Биномиз эски, таъмирталаб бўлса-да, ишимиз кўнгилдагидек кетмоқда. Чунки жамоамиз шижоатли, оловқалб йигитлардан ташкил топган, — деди туман ИИБ ЁХБ бошлиғи, ички хизмат лейтенанти Алишер Қабулов. — Тахлиллар шуни кўрсатадики, ёнгинлар асосан эҳтиётсизлик ва болаларнинг қаровсиз қолдирилиши оқибатида келиб чиқмоқда. Масалан, фуқаро Гулимбой Абдуллаевнинг уйида ҳам шу туфайли ёнгин содир бўлди. Ходимларимизнинг тезкор ҳаракатлари натижасида "тилсиз ёв" даф қилинди. Шу боис аҳоли билан ўтказаятган профилактик ишларни нафақат суҳбатлар, балки амалий машғулотлар ва кўргазмалар билан бойитмоқдамиз. Одамлар ёнгин келиб чиқиш сабаблари ва унинг олдини олиш учун қандай ҳаракат қилиш кераклигини ўз кўзлари билан кўриб, тушуниб олишарди. Ҳокимлик ва раҳбарларимиз кўмаги билан ўт ўчириш машиналаримиз яна биттага кўпайгани бизни янада руҳлантириб юборди.

Д. ХУДОЙШУКУРОВ.

Суратда: ички хизмат лейтенанти Алишер Қабулов ходимларга топшириқ бераётган.

ХОТИРЖАМЛИК КАФОЛАТИ

Ёнгин хавфсизлиги хизматида ишлаётганимга салкам олти йил бўляпти. Дастлаб ўт ўчирувчилик касби билан шуғуллана бошлаганимда содир бўлган ёнгинларни ўчиришда жуда оддий асбоб-анжомлар қўлланиларди. Аравага ўрнатилган катта бочкада сув ташиб, ўт ўчирилган дамлар ҳам бўлган. Ҳозирги ўт ўчириш техникаларининг афзалликлари тўғрисида эса узок ҳикоя қилиш мумкин.

Кейинги йилларда мунтазам равишда ўтказилиб турадиган ёнгин хавфсизлиги ойлиги кишиларнинг мол-мулкига, қолаверса, ҳаётига хавф соладиган ўт балоси камайишига хизмат қилапти. Мен кўп йиллик тажрибамдан келиб чиқиб шуни айтмоқчиман. Ҳар қандай ёнгин аввало бирор сабаб туфайли рўй беради. Асосий сабабчиси эса ўзимиздир. Турмушда қилинган озгина хато, эътиборсизлик, эҳтиётсизлик, лоқайдлик катта ташвишлар, бир

умрлик афсус-надоматларнинг туғилишига сабаб бўлади. Ёнгин туфайли бутун бир оила аъзолари ўт ичида қолиб кетган воқеаларнинг шоҳида бўлганман. Бир умр ишлаб, меҳнат қилиб, мисқоллаб йиққан мол-мулки, бойлиги саноқли дақиқаларда ёниб, кул бўлиб, эси оғиб қолган кишиларни кўрганман. Ҳеч кимнинг бошига бундай кулфатлар тушмасин.

Яратган парвардигор ўзини асрагани асрайман, дейди. Демак, эҳтиёткорлик

жуда муҳимдир. Рўй бераётган ёнгинларнинг асосий қисми аҳоли турар жойларида, хонадонларда содир бўлаётгани, айниқса, ташвишлидир. Хонадонларда келиб чиқаётган ёнгинлар асосан уй бекалари ва болаларнинг оддий қондаларни билмасликлари, оловдан фойдаланишда эҳтиётсизлик қилишлари туфайлидир.

Ёнгин хавфсизлиги ойлиги фақат шу хизмат ходимлари эмас, барча фуқаролар, корхона, ташкилот, муассаса раҳбарлари, мутасаддилари учун ҳамдир. Ҳар бир фуқаро аввало ёнгин хавфсизлиги қондаларига риоя қилиши зарур. Хонадондаги катталар эътиборли бўлиб, болаларга оловнинг хавфи томонларини чуқур тушунтиришлари, электр, газ асбобларини ишлатишлари, гугурт

ўйнашларига йўл қўймасликлари керак.

Бу йил ўтказилаётган ёнгин хавфсизлиги ойлигида ички ишлар идоралари фахрийлари ҳам фаол иштирок этишарди. Ўзбекистон Республикаси ИИВ Фахрийлари ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилиги маркази томонидан жойлардаги фахрийлар кенгашларига тавсиялар берилди. Кексаларимиз маҳаллаларда бўладиган йиғинларда фуқароларга ёнгин хавфсизлиги қондаларидан гапириб беришарди.

Эҳтиёткорлик — хотиржамлик кафолати. Юртимизда ёнгин балоси камайиб, фуқароларнинг бу офатдан азият чекишларининг олдини олиш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

**О. АҲМЕДОВ,
истефодаги
ички хизмат полковниги.**

ҚИММАТГА ТУШГАН БЕПАРВОЛИК

Навоий шаҳрида содир бўлган ёнгин кўп вақт фуқароларнинг ёдидан чиқмайдиган бўлди. Галаба шоҳқўчасининг 105-уй, 47-хонасида бошланган ёнгин тезда атрофдаги хонадонларга пастки ва юқори қаватларга ўта бошлади. Бир эмас, икки бўлинманинг ўт ўчирувчилари етиб келишди. Ҳаво иссиқ бўлгани сабабли ҳам олов гуруллаб ёниб, ён-атрофни домига тартарди. Ўт ўчирувчилар сув сепиб кўришди. Ёнгин тарқаб кетгани сабабли дастак билан сув сепиш ёрдам бермади. Чунки, нарвонда туриб ишлаб бўлмасди. Шундан сўнг автомобилнинг ўзидан лафет дастаги орқали сув сепилди. Анча қийинчиликдан кейин ёнгин бартараф этилди. Текширувлардан кейин электр асбобининг ёқик ҳолда қаровсиз қолдириб кетилгани, ёнгин келиб чиқишига сабаб бўлгани аниқланди.

Ёнгин хавфсизлиги ойлигининг ўтказилиши ана шундай бепарволикларнинг олдини олишга хизмат қилиши керак. Бунинг учун бу тадбирда ҳамма бирдек иштирок этиши лозим. Айни кунларда вилоятимиз ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари белгиланган режалар асосида шаҳар, қишлоқ ва овулларда бўлиб, ёнгин хавфсизлиги қондалари бўйича текширув ва тушунтиришлар олиб боришарди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоятдаги бир қатор йирик саноат корхоналарининг раҳбарлари бу муҳим тадбирнинг ўтказилиши моҳиятини тўғри тушушган ҳолда, масъулиятни ҳис этиб, зарур ёрдам кўрсатмоқдалар.

**В. МУРОДОВ,
ички хизмат лейтенанти.**

ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Мамлакатимизда амалга ошириладиган ислохотлардан асосий мақсад иқтисодийда юксак самарадорликка эришиш, жамиятда қонун устуворлиги, ижтимоий адолатни рўйбга чиқариш, демократик тамойилларни қарор топтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни юқори даражага кўтариш, халқ учун фаровон ва муносиб турмуш шароитини яратишдир.

Мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари ҳам изчиллик ва жадаллик билан амалга оширилмоқда. Улар, ўз навбатида, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуришга хизмат қилмоқда.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг иккинчи чақирғи Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида сўзлаган нутқи катта аҳамият касб этиб, унда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш ва демократлаштиришнинг устувор йўналишлари, дастурий йўл-йўриқлари баён этиб берилди.

Шулар асосида Олий Мажлис 2001 йил 29 августда "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгаришлар ва қўшимча-

лар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикасининг қонунини қабул қилди. Бу қонун шу йил 18 октябрдан амалга киритилди.

Мазкур қонуннинг аҳамияти ва ўзига ҳос хусусияти шундаки, унда фуқароларга тайинланган жазолар юмшатилиши ёки улар жазодан умуман озод қилиниши назарда тутилган. Шунингдек, жиноий таъқиб этиш ва жиноятларни тергов қилиш, судга кўришнинг асослари ҳамда асосий тамойилларини тубдан ўзгаришига қаратилган.

Ушбу қонун асосида амалга ошириладиган асосий масалалар жиноятчиликка қарши курашни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш, одил суд-

ловни умумэтироф этилган демократик ва инсонпарварлик метёрларига янада яқинлаштириш, жазолаш тизимининг репрессив, шафқатсиз жазолаш функцияларини чеклаш ва қисқартириш ҳисобига қонун ҳужжатларини ижтимоий адолат ва инсонпарварлик тамойилларига мослаштиришдан иборатдир.

Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчилигини эркинлаштиришда ишларни кўриб чиқиш тартибини соддалаштириш, жиноий ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муद्даларини қисқартириш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Энди айнан юқорида баён қилинган масалалар устида батафсил тўхталиб ўтамиз.

Мамлакатимизда жиноят ишларини судга кўриш жараёнларини соддалаштириш Жиноят кодексига ярашиш муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш институтининг киритилиши билан боғлиқдир.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси бешта моддани ўз ичига олган 62-боб билан тўлдирилган. Ушбу бобда ярашув ҳақидаги ишларни судга бериш, судга кўриш тартиби белгиланган.

Жиноят-процессуал кодексининг 582-моддасида ярашилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 661-моддасида назарда тутилган жиноятлар тўғрисида ишлар кўриб чиқилиши

мумкинлиги қонуний мустақамланган.

Ярашув тўғрисидаги ариза Жиноят-процессуал кодексининг 583-моддаси талабига кўра жабрланувчи (фуқаровий даъвогар) ёхуд унинг қонуний вакили томонидан суриштирув ва дастлабки терговнинг, шунингдек, суд муҳокамасининг исталган босқичида, аммо суд маслаҳатхонага киришидан олдин берилиши мумкин.

Аризада етказилган зиён бартараф этилгани, шунингдек, ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилиши тўғрисидаги илтимос кўрсатилган бўлиши шарт.

(Давоми 4-бетда)

ОДАМ ОЛАСИ ИЧИДАМИ?

Фарғоналик ҳамкасбимиз М. Кимсанбоевдан долзарб мавзуда мактуб олдик. Келинг, аввал бир-галикда хат билан танишайлик-да, сўнг мулоҳазаларимни баён этай.

“Севара иккинчи қаватдан тушиб келаятганди, йўлакдан чиқишда бир киши тўхтатди:

— Ҳой қизча!

— Лаббай, амаки.

— Хув анави ертўланинг эшигини ёпиб қўйгин, қара, очик қолибди. Яна бегоналар кириб олмасин.

— Хўп бўлади, ҳозир ёпиб қўяман, — катталар гапини икки қилмайдиган қизча чопқиллаб эшикни ёпиш учун кетди. Аммо ортидан шум ниятли амаки етиб келганини пайқамай қолди. Энди ертўла эшигини ёпмоқчи бўлганди, кимдир унинг оғзини кафти билан маҳкам бекитиб, ўзини кўтариб ертўла ичига олиб кириб кетди...

Бу воқеа куппа-кундуз кун соат уч-тўртлар орасида юз берган. Бахтга қарши ҳовлида ҳеч ким бўлмаган. Уз ишини бажариб, ҳирсини қондириб бўлган аблаҳ эса қизалоққа пичоқ ўқталди: “Бировга айтсанг ўлдираман”, деб воқеа жойидан гойиб бўлган.

Аммо қизалоқ унинг дағдағасидан қўрқмади, ташқарига чиқиб дод солди. Буни эшитиб одамлар уйларида чиқдилар, онасини чақириб келдилар, кейин милицияга хабар беришди. Қизча уларга одам қийфасидаги маҳлуқни тасвирлаб берди. Уша уйда яшовчилар оқ костюм-шимли, 30-35 ёшлардаги кимса электрикман деб бир нечта хонадонга кирганини тасдиқлашиб, қизчанинг тасвирига аниқлик киритишди.

Воқеа жойига дарҳол тезкор гуруҳ етиб келди. Жабрдийда ва гувоҳларнинг сўзлари бўйича фоторобот тайёрланди. Буни қарангки, қабиҳликни илгари шу хилдаги жинояти учун 15 йилга озодликдан маҳрум этилиб, 9 йилдан сўнг озодликка чиққан шахс содир этган экан. У шу йил 25 июль кунини озодликка чиқиб, тавбасига таянмаган ва 14 октябрь кунини яна ўз қилмишини такрорлаган.

У “электрикман” деб хонама-хона юриб, ёлғиз кимсаларни қидирган. Севарадан олдин бир бола ота-онаси йўқлиги учун уйни очмаган, акс ҳолда у жабрдийда бўлиши мумкин эди. Жиноятчи воқеа жойига олиб борилганида (кўргазма учун) милиция наряди кўп бўлгани учунгина уни аёллар тошбўронидан аранг сақлаб қолинди. Зўравон ўз турмуш ўртоғини ҳам аввал зўрлаб, сўнг унга уйланган экан.

Бу жиноятни очишда жиноят қидирув бўлими бошлиғи Баҳодиржон Мирзалиев, профилактика инспектори Умиджон Мадумаров, ҚООБ бошлиғи Абдурахмон Исмоилов ва ЖКБ тезкор вакили Ботир Юнусовлар фаоллик қилдилар”.



Тўғри, одам олмаси ичида бўлади. Эҳтимол, зўравон жазо ўтаган жойида ўзини яхши тутгандир, кун тартибига қатъий риоя қилгандир, меҳнатга виждонан муносабатда бўлгандир. Кишининг ичига кириб чиқишнинг иложи йўқ-ку. Шунинг учун ҳам тарбиячилар, муассаса раҳбарлари маҳкум ўз хатосини англаб етди, пушаймон еяпти деган хулосага келгандирлар. Шу сабабли ижобий тавсифланиб, унга нисбатан инсонпарварлик далолатномаси қўлланилиб, муддатидан илгари озодликка чиққандир.

Хўш, инсоннинг ички оламини, мафий ёвуз ниётларини, майлларини билиб олишнинг оддий кузатиш, таҳлилдан бошқа яна қандай усуллари бор? Менимча ана шундай илмий асосланган усуллардан бири — кишини психологик тест синовларидан ўтказиш, руҳшуносларнинг кузатишлари, таҳлиллари-

дир. Илгари ҳам газетамизда ички ишлар идораларида, ҳарбий жамоаларда, жазони ижро этиш муассасаларида руҳшунос хизматини ташкил этиш, уни тақомиллаштириш масаласини кўтарган эдик.

Умуман, бу фикр янгилик эмас. Узоққа бориб ўтирмай, Россия тажрибасига мурожаат қилайлик. Уларда жазони ижро этиш муассасалари муаммолари билан шуғулланувчи махсус илмий-текшириш институти мавжуд. Бундан ташқари ҳар бир муассасада руҳшунослар гуруҳи фаолият кўрсатади. Улар руҳий енгиланиш ҳо-наларининг ишини ташкил этишади, ходимларни танлаш, лавозимларга қўйиш бўйича тавсиялар беришади. Айниқса, айрим муассасаларда маҳкумларга нисбатан инсонпарварлик далолатно-

Тахририятдан: мақолада кўтарилган масала чуқур, кенг ўрганишни талаб этади, албатта, Ҳуқуқшунослар, мутахассис руҳшунослар, пенитенциар соҳа вакиллари бу борада ўз фикр-мулоҳазаларини ёзиб юборадилар деб умид қиламиз.

Мавзуга қайтиб

маларини қўллашда психологик тестлар натижаларини ҳисобга олиш яхши натижа бераётган экан. Уларнинг якунига кўра ахлоқан тузалган, руҳан ўзгарган деб топилган маҳкумларнинг камдан-камигина озодликка чиққач, қайта жиноятга қўл урган.

Бизда ҳам ички ишлар идораларига, ҳарбий ва бошқа махсус ўқув юртларига номзодлар қабул қилиш пайтида улар психологик тест синовларидан ўтказилади. Жазони ижро этиш муассасаларида руҳшунослар хизмат қилишяпти. Улар муассаса фаолиятига тобора чуқур аралашияпти. Менимча, руҳшунослар амнистияларни, инсонпарварлик далолатномаларини қўллаш чоғида маҳкумларни ўрганиш жараёнига жалб этилса, уларнинг хулосалари ҳисобга олинса, яхши бўларди.

Балки, пенитенциар тизимда руҳшунослар илмий марказини тузиш, республикада психология фани бўйича мавжуд илмий марказлар билан ҳам назарий, ҳам амалий ҳамкорлик қилиш зарурдир. Тўғри, бу ишлар қўшимча маблағларни талаб этиши мумкин. Лекин маҳкумларнинг муддатидан илгари озодликка чиқиб, қайта жиноят содир этиб етказилган зарари-чи? Моддий зарари бир, бунинг устига руҳий, маънавий зарарларини қўшсак-чи? Бевақт хазон бўлган умрлар, абгор қилинган тақдирлар, вайрон этилган диллар-чи? Тузалмай чиққан жиноятчиларнинг ўз таъсирига бошқаларни тортиши-чи? Буларнинг барчасини пулга чақиб бўлармикан? Юқоридаги хатда тасвирланган қабиҳлик ҳам фикримизнинг ёрқин исботидир.

Бобомурод ТОШЕВ.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН

Сариосиё тумани ИИБ

томонидан қуйидаги бедарак йўқолган шахслар кидирилмоқда:

Алижон Зубайдуллаевич ШАМСИЕВ. 1970 йилда туғилган, Сариосиё тумани Аэропорт кўчаси, 1/8 уйда яшаган, 1999 йил октябрь ойида Тошкент шаҳрига кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 170-175 см, юзи бугдойранг, соч-қошлари қора, қулоқлари каттарок, юзининг ўнг чаккасида тахминан 3 см., бўлган чандиғи бор.

Абдуқано АбДУЖАЛИЛОВ. 1951 йилда туғилган, Сариосиё тумани Охунбоев номи жамоа ҳўжалиги Нилу қишлоғида яшаган, 1999 йил 4 ноябрь кунини Тошкент шаҳрига кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи 165-170 см, ўртача гавдали, юзи бугдойранг, сочлари қора, қошлари қалин ва ёйсимон, бурни ва қулоқлари каттарок.

Асосий белгилари: ўнг қўлиги тағида 15 см., катталикда жарроҳликдан қолган чандик, бошининг тепасида юмалоқ шиш бор.

Зоир Маҳмудович ҚУРБОНОВ. 1986 йилда туғилган, Сариосиё тумани Гравзавод-2-мавзеси, 11-уй 2-хонада яшаган, 2000 йил 11 ноябрь кунини мактабга бораман деб чиқиб кетиб, бедарак йўқолган.

Белгилари: бўйи тахминан 130-135 см., сочи қора, юзи оқ, қошлари қалин.

Норбиби Абзамова НАСИМОВА. 1985 йилда туғилган, Сариосиё тумани Тортули қишлоғида яшаган, 2001 йил 25 май кунини синглиси билан Денов тумани бозорига борамиз, деб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи тахминан 145-150 см., юзи ўртача, қорачадан келган, кўзлари ўртача катталикда, қоши-сочи қора, узун.

Фотима Абзамова НАСИМОВА. 1991 йилда туғилган, Сариосиё тумани Тортули қишлоғида яшаган, 2001 йил 25 май кунини отаси билан Денов тумани бозорига борамиз, деб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи тахминан 120-130 см., юзи ўртача, қорачадан келган, кўзлари ўртача катталикда, қошлари қора, сочи қора калта.

Юқорида номлари кўрсатилган фуқароларни кўрган ёки қаердалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

(Боши 3-бетда).

Агар ярашув тўғрисидаги ариза иш биринчи инстанция судида суд муҳокамасидан ўтказилаётганда берилган бўлса, суд уни дарҳол кўриб чиқишга киришади.

Агар иш бўйича бир неча жабрланувчи бўлса, фақат барча жабрланувчилар билан ярашувга эришилган тақдирда, ярашув тўғрисидаги ишни юритиш мумкин.

Аризани қабул қилиш пайтида суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жабрланувчига ёки унинг қонуний вакилига суд ярашувни тасдиқласа, у мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтириши шарт.

Суриштирувчи, терговчи, прокурор жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) ёки унинг қонуний вакилининг ярашув тўғрисидаги аризасини олгач, етти суткадан ортиқ бўлмаган муддатда гумон қилинувчининг, айбланувчининг розилиги билан ишни судга юбориш тўғрисида қарор чиқаради.

Қарорнинг тавсиф қисмида жиноят иши кузатилишининг асослари, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этишга жалб қилинган шахслар тўғрисидаги маълумотлар, улар айбланаётган қилмишлар ва уларга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чоралари, шунингдек ярашув тўғрисидаги аризининг маз-

муни ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчининг аризига муносабати кўрсатилади.

Қарорнинг қарор қисмида:

1) ишни судга юбориш тўғрисидаги;

2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги, шунингдек, фуқаровий даъвога таъминлаш чоралари тўғрисидаги;

3) ашёвий далиллар тўғрисидаги қарор кўрсатилади.

Агар иш бўйича гумон қилинувчи, айбланувчи сифатида иштирок этиш учун бир неча шахс жалб қилинган бўлиб, барчаси билан ҳам ярашувга эришилган бўлмаса, ярашувга эришилмаган гумон қилинувчиларга, айбланувчиларга тааллуқли материаллар ажрати-

лади ва улар бўйича иш юритиш умумий қоидаларига риоя этилган ҳолда амалга оширилади ва бу ҳақда қарорда кўрсатилади.

Иш қарор чиқарилгандан кейин уч сутка ичида прокурорнинг розилиги билан судга юборилади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси жиноят иши судга келган пайтдан эътиборан ўн суткадан кечиктирмай ўтказилади.

Суд мажлисида гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари ҳимоячилари, прокурор иштирок этади.

Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд муҳокамаси

жабрланувчининг ярашув тўғрисидаги аризасини ўқиб эшиттириш билан бошланади.

Суд гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ва жабрланувчининг (фуқаровий даъвогарнинг) содир этилган жиноят ҳолатлари тўғрисидаги сўзларини эшиттади.

Суд:

- ярашувнинг ихтиёрийлиги ва унинг сабабларини;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўз айбига ихтиёрий иқдор бўлганлигини;
- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи ўзи содир этган қилмишнинг оқибатларини англаганлигини ва етказилган зарарни

бартараф этиш чораларини кўрган-кўрмаганлигини;

- жабрланувчига (фуқаровий даъвогарга) ёки гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчига бирон-бир тазйик бўлган-бўлмаганлигини;

- етказилган зарарни қоплаш билан боғлиқ масалаларни;

- гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, уларнинг қонуний вакиллари ярашувга розилиklarини аниқлайди.

Шундан сўнг суд ҳимоячи ва прокурорнинг фикрини эшиттади.

Агар суд мажлиси давомида ярашув, айбига иқдор бўлиш ихтиёрий эмаслиги,

(Давоми 13-бетда).

Tabassum

+TV

Посинга gazetasining ilovasi

HAFTALIK
ТАНИҚЛИ КИШИЛАР
БИЛАН УЧРАШУВ.
ХИКОЯ, ҲАЖВИЯ, ХАНДАЛАР,
СКАНВОРД, КРОССВОРД,
МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ,
ИНТЕРНЕТ ХАБАРЛАРИ
DASTURLAR

ҲАММА ИМКОНИЯТЛАР МАВЖУД

Кўл жанги бўйича биринчи жаҳон чемпионати-дан республикамиз терма жамоаси кумуш соврин соҳиби бўлиб, икки чемпион билан қайтишди. Қуйида мухбиримизнинг улардан бири – “Динамо” спорт жамияти вакили, халқаро тоифадаги спорт устаси Бахтиёр Аҳмедов билан суҳбатини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

– Аввало менга юксак ларгача мурасасиз кура-ишонч билдириб, нуфузли спорт мусобақасига юборгани учун мамлакатимиз кўл жанги федерацияси раҳбариятига миннатдорчилик билдираман...

Россия ва Украина вакиллари билан бўлган дастлабки икки олишув айтарли қийинчиликсиз ўтди. Аммо арманистонлик Армен Аганянни енгиш осон бўлмади. Сўнгги дақиқа-

ларгача мурасасиз кура-ишонч билдириб, нуфузли спорт мусобақасига юборгани учун мамлакатимиз кўл жанги федерацияси раҳбариятига миннатдорчилик билдираман...

– Шундай бўлса ҳам ҳал қилувчи беллашувда ғалаба қозониш учун ўзингизда қандай қилиб куч топа билдинг?

– Мураббийларимнинг берган сабоқлари ҳамда маҳоратим туфайли тез орада ўзимни ҳам руҳан, ҳам жисмонан тиклаб, белоруссиялик рақибимга муносиб қаршилик кўрса-

та олдим. Биринчи галда Атҳам Рашидовдан миңнатдорман. У олти йилдан буён менга устозлик қилди. Эришган ютуқларимда у кишининг муносиб улуши бор.

– Устозларинг кўпми дейман?

– Мақтанчоқликка йўймагину, мен қаратэ, кикбоксинг бўйича республика чемпиониман. Тай бокс бўйича эса Осие чемпионлигини кўлга киритганман.

– Мана, энди жаҳон чемпиони ҳам бўлдинг. Кейинги ниятларинг қандай?

– Олдинда кўплаб масъулиятли мусобақалар турибди. Биринчи галда

кейинги йили Москвада бўлиб ўтадиган жаҳон чемпионатида юксак унвонни сақлаб қолишим керак. Бошқа нуфузли мусобақаларда ҳам обрўни кўлдан бермаслигим лозим.

– Режалар катта экан. Уларни амалга ошириш учун вақт керак. Бир ёқда ўқиш. Ҳаммасига улгура-санми?

– Албатта. Спортда янги ютуқларга эришиш ҳамда университетни (Бахтиёр педагогика университети)нинг учинчи босқичида ўқияпти) муваффақиятли битиришим учун барча имкониятлар мавжуд.

Суҳбатдош Я. КОРУКА.
Ш. ЗУФАРОВ
олган сурат.



СЕВГИ ДАРАХТИ БОРМИ?

Пойтахтдаги Ботаника боғига дастлабки дарахт ниҳоли 1950 йил ўтказилган эди. Ана шу дарахт – духобали шумтол ҳозирда ҳам барқ уриб ўсмокда. Ажойиб гўшанинг ривожланиши айнан шу пайдан бошланган, десак муболага эмас.

Боғнинг илк майдони 80 гектар эди, аммо унинг худудига ҳайвонот боғи қурилгач 66 гектарга камайди. Шунга қарамай бу ер аввалгидек бепоён, ўсимликлар турининг кўплигига дунёдаги ҳар қандай боғ ходимлари ҳавас қилса арзийди. Бугунги кунда Тошкент Ботаника боғи МДХдаги энг сўлим гўшалардан бири, деб эътироф этилиши ҳам бежиз эмас. Бу масканга ташриф буюрган кишида дунёдаги жамики ўсимликлар шу боғда жамлан-

ган бўлса керак, деган таассурот пайдо бўлиши табиий. Ҳақиқатан ҳам шундай.

– Бугунги кунда ўсимликларнинг бир ярим мингтага яқин турини парваришляймиз, – деди четдан келтирилган ўсимликларни интродукциялаш ва иқлимлаштириш лабораторияси мудири Нина Ивановна Штонда. – Биз дунёдаги турли мамлакатлардан уруғ олиб етиштириладиган ўсимликларни жамлаш билан шуғулланяймиз. Дастлаб улар инфекция тушмаслиги учун карантин питомникларида кузатилади, 3-5 йилдан кейин эса боғга экилади.

– Нина Ивановна, биздаги Ботаника боғи чет эллардагидан фарқ қиладими?

– Ҳа, боғимиз Ф. Н. Русанов намунаси асосида лойиҳалаштирилиб қурилган ўзига хос схемаси билан машҳур. Кўпгина боғлар фақат жўғрофий ёки ишлаб чиқилган усул асосида барпо этилган, бизда эса иккиси ҳам мав-



Суратда: Н. И. Штонда.

жуд. Бу шуни билдирадими, маълум жўғрофий зонага тегишли ўсимликлар боғимизнинг махсус ажратилган худудига Энглер системаси асосида ўтказилади. Яъни, дастлаб кўл, кейин очиқуруғлилар, ёпиқуруғлилар, игнабаргли ва бошқа турдаги ўсимликлар ўрин олган. Бундан ташқари боғимиздаги барча сўқмоқлар спираль кўринишида жойлаштирилган. Шу боис бирорта йўл ўзаро туташмайди. Бу эса биз, инсонлар саний табиатнинг ажойиб инъонидан баҳра олишимиз, у ҳақда кўпроқ билимга эга бўлишимиз ҳамда унга янада яқинлашишимиз инobatга олган ҳолда амалга оширилган.

– Боғни қанча вақтда айланиб чиқиш мумкин?

– Ўн чақиримдан иборат саёҳат йўли мавжуд. Шу сабабли худудни тез фурсатда кўздан кечириш мушкул. Боғдаги гўзалликдан батамом баҳраманд бўламан деган киши йилнинг барча фаслларида ташриф буюргани маъқул. Ушбу сўлим гўшада бешта: Шимолий Америка, Оврўпа, Шарқий Осие, Узоқ Шарқ ва Марказий Осие зоналари бор. Ҳар бир ўсимлик нафақат эстетик завқ бағишлайди, балки ўзига хос хоссаларга эга, халқ ҳўжалигида кенг фойдаланилади. Масалан, узун баргли толдан сават тўқилади, маржон дарахтининг меваси бўёқ



воситаси, ёнғоқ дарахтидан ажойиб мебель тайёрланади ва ҳоказо. Бахтга қарши кўпчилик бу ерга табиат билан “мулоқот” қилиш эмас, шахсий муаммоларини ҳал этиш учун ташриф буюришади. Масалан, ёшлар тез-тез

“Севги дарахти қаерда ўсади?” деб сўрашади. Шунга айтишим лозимки, одамлар орасида “гинкго” деб номлануви Шимолий Америка дарахти гўё муҳаббат бобида бахт келтиради, эр-хотин муносабатларига илиқлик бағишлайди, деган овоза тарқалган. “Орзу дарахти” – писта дарахти хусусида ҳам шундай фикрни айтиш мумкин. Амалда эса бундай миш-мишлар Ботаника боғига катта зиён келтирмоқда. Ахир дарахт бола қаби нозикдир. Унга тез-тез кўл теккизилса касалланади ва охиरोқибатда нобуд бўлади. Шахсан мен бундай миш-мишларга ишонмайман ва боғимизга келаётган саёҳатчиларга раҳбарлик

қилаётган ходимлар бундан ажойиб мебель тайёрланади ва ҳоказо. Бахтга қарши кўпчилик бу ерга табиат билан “мулоқот” қилиш эмас, шахсий муаммоларини ҳал этиш учун ташриф буюришади. Масалан, ёшлар тез-тез

И. КИМ.
А. БЕЗРУЧКО
олган суратлар.



Ҳажвия

Илгари ҳеч бозорга тушмасдим. Бу ишни ўлгудек ёмон кўрганимдан хотиннинг зиммасига юклаб қўйганман. Лекин қиш кунларининг бирида уйга меҳмон қеладиган бўлиб...

Қўлимда каттакон сумка. "Чорсу" бозорида юрарканман, яқин-йироқдан келган деҳқонлар менга бироз қуюқроқ муносабатда

тушиб ўрнидан ирғиб турди ва одамларни икки томонга суриб, қўл қовуштирди.

— Келинг, акамулло, пиёздан ола кетинг.

— Жуда қиммат-ку, — дедим чўнтагимни кавларканман.

— Э-э, сизга арзон қиламиз-да, ака. Уч-тўрт кило пиёз сиздан айлансин, — у дарров олдидаги елим челақни тўлатиб пиёз тортди ва сумкамга ағдарди. — Олинг, ош бўлсин. Агар пулингиз кам бўлса,

бини тушунолмайд гаранг эдим.

Шундан кейин гуруч, хўл ва қуруқ мева расталарига ҳам кириб, зарур нарсаларни харид қилдим. Бу ерда ҳам сотувчи-деҳқонлар каминга ўзгача бир меҳр-мурувватда бўлишиб, иззат-икромни жойига қўйишди. Ажойибу ғаройиб! Нега шу пайтгача бозорга тушмаган эканман-а, дейман ичимда ва ўзимдан кўнглим тўлиб, мағрур қадам ташлайман.

Охирида гўшт растаси — амаки яна алланималар деганча икки бўлак лахми сумкамга жойлади. — Бачалар билан роҳат қилиб енг, ош бўлсин.

— Раҳмат, бағоят миннатдорман.

Нималар бўлаётганини бир англаб, бир англолмай гарангсиб борарканман, орқадан ҳалиги кишининг овози эшитилди.

— Яхши боринг, Ҳайитали ака! Гўшт-пўшт керак бўлса биз доим шай-да! Қулоғим остида бомба портлагандай бўлди. Ким деди? Ҳайитали ака? Қанақа Ҳайит..."

Бирдан ҳаммасига тушунгандай бўлдим ва бутун аъзойи баданим жимирлашиб кетди. Яна мени анави ҳажвчи артистга ўхшатаётган бўлишмасин. Оҳ, солдагина деҳқонлар-эй, нима қилай ахир ўша артистга қўйиб қўйгандай "копия" бўлсам!

Ҳа, ўтган ишга саловат, энг муҳими, хотин ёзиб берган бир қулоч рўйхатдаги нарсалар харид қилинган эди. Шунинг учун ғоз юриш қилиб, ичимда: "Уэр, Ҳайитали ака!" деб қўйдим-да, уйга равона бўлдим.

К. ҚҶҶҚОРОВ.

"УЭР, ҲАЙИТАЛИ АКА!"

бўлаётганини ҳис қилдим. Айримлари узокдан кўриши билан қўлини кўксига қўйиб салом беради, ёнидагиларни туртиб бир нималар деб пичирлаб қўяди.

Дастлаб бу ҳолга унчалик эътибор бермаган бўлсам-да, бора-бора ўзимнинг ҳам қизиқшим ортди ва ажабланганча сабзи-пиёз растасига қараб юрдим. Атрофини харидорлар чумолидай ўраб турган бир деҳқоннинг олдида яқинлашарканман, баногоҳ унинг кўзи менга

майли, эрта-мерта ташлаб кетарсиз.

— Йўғ-э, нималар деяпсиз, биродар, — дедим атрофдагилардан хижолат чекиб, — пул бор.

Деҳқон айтган пулни санаб бериб, қулоқларимга ишонмай нари кетдим. Чунки ҳозиргина килосини фалон пул деб оёқ тираб турган деҳқон менга беш кило пиёзни ярим баҳосига бериб юборган эди-да.

Орқамга қараб-қараб узоклашарканман бундай саховатпешаликнинг саба-


га келдим. Нархи қовоқаридай жизиллаётган лахм гўштларга суқим келиб борарканман, қўлларини пешбандига арта-арта ўрта яшар бир одам олдимга чиқди.

— Ассалому алайкум, катта! Бугун бир бозорлабсиз-да. Келинг қани, қайси жойидан тортай?

— Озроқ гўшт зарур эди. Лекин баҳоси осмон-ку.

— Сизга арзон-да, катта! Сиз ҳам халқ хизматида юрасиз, биз ҳам бир хизмат қилсак қипмиз-да,

К Р О С С В О Р Д



БҶҶИГА: 1. Назар. 2. "Ўзбекфильм" маҳсулоти. 3. Ҳуқуқбузарлик тури. 4. Пахтанинг аъзоси. 5. Ҳунар. 6. Эрондаги қадимий шаҳар. 10. У ҳам идиш. 11. Қулгу. 17. Тошкентдаги даҳа. 18. Ҳазина эгаси. 19. Покистоннинг пойтахти. 23. Мустақкам. 24. Ёғ идиши. 25. Америка ёзувчиси. 26. Дарахт. 30. Баъзи гаплар унда турмайди. 31. Зилзилашунослик. 35. Ҳунук. 36. Республикамиз туманларидан бири. 40. Достон қаҳрамони. 41. Чангак. 44. Аранг. 45. Аёллар исми. 46. Келишган.

ЭНИГА: 7. М. Осим асари. 8. Ёнувчи газ. 9. Тўлов. 12. Унаштириш. 13. Гўзаллик. 14. Касаллик тури. 15. Саҳройи араб. 16. Бошқариш. 20. Қадимги юнон шоири. 21. Ёритқич. 22. Улуш. 27. Деҳқончилик тури. 28. "Қонхўр". 29. Бетараф. 32. Жабр. 33. Қадимий мусиқа асбоби. 34. Врач. 37. Тақинчок. 38. Ер. 39. Ўзгартириш. 42. Турғун сўз бирикмаси. 43. "Лимон" 47. Ҳарбий унвон. 48. Шоҳмотдаги ҳолат. 49. Инсоф. 50. Қамишдан тўқилади. 51. Шаҳар. 52. Кўз, суқ.

Тузувчи ХУРШИД.

Тўкин дастурхонингизга

СЕВИМЛИ

Ҳамир: 4 дона тухум, 1,5 стакан шакар, 1 стакан шумурт (черёмуха), 1 стакан сут ёки сметана, 2 стакан ун, 1 чой қошиқ сода солиб яхшилаб қорилди.

Шарбат: 1 стакан шакар, 1 стакан сув бир дақиқа қайнатилди ва оловдан олиниб, унга коньяк ёки гулоб қўшилди. Иссиқ ҳолда қўлланди.

Крем: 0,5 литр сметана, 1 стакан шакар.

Пиширилгандан сўнг иккига бўлиниб, устига крем ёки шарбат сурилади.

БУҒЛАМА

Торроқ кастрюлкага 1 дона тухум, бир ошқошиқда асал, 50 грамм сариеғ, 0,5 стакан шакар солинади. Кейин унга қайнаган сув қўйиб, масаллик яхшилаб аралаштирилади. Бир чой қошиқ сода ва бир стакан ун қўйилади. Сувдан кастрюлкани олиб туриб, чучваранинг хаамири сингари хаамир қорилди. Хаамир 6 та қулчага бўлинган ҳолда патнисга ун сепилиб, 3-5 дақиқа давомида пиширилади.

Крем: ярим литрли банкада қуюлтирилган сут, 200 грамм сариеғ.



"ҚУТЛОВ" ТОРТИ

Ҳамир: 4 дона тухум 1,5 стакан шакар, 300 грамм сариеғ, 0,5 чой қошиқ сода, 0,5 чой қошиқ уксус, 2 стакан ун, 200 грамм ёнғоқ, пичоқнинг учида туз. Тухумнинг саригини шакар ва юмшатирилган сариеғ билан аралаштирилади. Туз, сиркага аралаштирилган сода солинади. Унни элаб хаамир қорилди. Хаамир 5 бўлакка бўлиниб, думалоқ шаклда жўваланади. 180-200 даража иссиқликда пиширилади. Совиганда сўнг уларнинг ҳар бирига сариеғ сурилади, кейин упаланган ёнғоқ сепилиб, бир-бирига ёпиштирилади.

Крем: тухумнинг оқи ярим стакан шакар билан аралаштирилади. Сўнг унга мураббо сурилади.

ҚОРА ОЛХҶРИЛИ ТОРТ

Ҳамир: 0,5 стакан эритилган ёғ, 1,5 стакан сметана, 0,5 чой қошиқ туз, 0,5 чой қошиқ сода. Хаамир чучваранинг хаамиридек бўлади. Хаамир 6 та зувалага бўлинади: 2 таси қалин, 4 таси юпқароқ ёйилади.

Крем: ярим кило олхўри-қайнатилди ва қиймалагичдан ўтказилади. Унга 2 стакан шакар аралаштирилади. 500 грамм сметана 0,5 стакан шакар билан яхшилаб аралаштирилади. 300 грамм сариеғга 0,5 стакан шакар қўйилади. 4 та юпқа қилиб пиширилган хаамир майдаланади. Битта қалин қилиб пиширилган хаамир устига крем сурилади ва майдаланган хаамир сепилади, кейин иккинчи хаамир ёпиштирилади. Қолган крем ва майдаланган хаамир сепилади. Қора олхўри билан безатилади.

Масаллик: 400 грамм сариеғ, 700 грамм сметана, 0,5 чой қошиқ туз, 0,5 кило олхўри, 2 стакан шакар.

ШУМУРТЛИ

Масаллик: 1 стакан сметана, 0,5 стакан шумурт, 1,5 стакан шакар, 3 дона тухум, 100 грамм маргарин ёки сариеғ, 0,5 чой қошиқ сода, озгина туз.

Қуймоқли хаамир каби хаамир қорилди. Товада пиширилади, совитиб иккига бўлинади. Совитилган шарбатга булгаб олинади, сўнг крем сурилади.

Шарбат: 1 ош қошиқ коньяк ёки мусаллас, 1 чой қошиқ лимон суви, 1 стакан шакар солинади. Шакар эригунча қайнатилди. Оловдан олиб совитилади. Совиган шарбат ичига коньяк, лимон суви ва ванилин солинади.

Крем: 100 грамм сариеғ, 0,5 банка қуюлтирилган сут яхшилаб аралаштирилади.




КРИПТОГРАММАЛИ ЦИКЛОКРОССВОРД

Азиз муштарийлар! Ушбу циклокрессвордда яширилган 23 та сўзнинг тўрт ҳарфлилари оқ доирачали тўртбурчаклар атрофига, олти ҳарфлилари эса – ромблар теварагига белги қўйилган хонадан бошлаб, соат милининг айланишига монанд йўналишда ёзилади.

1. Суднинг жиноят иши юзасидан чиқарган қатъий қарори. 2. Рус расоми, панорама санъатининг тўнғич устаси. 3. Мантиқий тафаккурнинг муҳим шакли ҳисобланган хулоса чиқаришнинг таркибий қисмларидан бири. 4. Ўрта Осиё хонликларида даҳа бошлиғи ёки қишлоқ оқсоқоли. 5. "Айрилганни ... ер, бўлинганни бўри ер" (халқ мақоли). 6. Юксак ўсимликларда новда муртаги. 7. Ҳарбий-Денгиз Флотидаги оддий аскар. 8. Бош ролларни Раж Капур билан рақоса Вайжантемала ижро этган машҳур ҳинд кинофильми. 9. Кимёвий элемент – кумушдек оқ, юмшоқ, чўзилувчан, енгил металл. 10. Немис классик фалсафасининг асосчиларидан бири. 11. Эфиопиядаги қўл. 12. Енисейнинг ўнг ирмоғи. 13. Ғарбий Африкадаги давлат. 14. Қадимги юнон афсоналаридаги севги худоси. 15. Ўрнак бўла оладиган, ибрат олса, эргашса арзийдиган шахс. 16. Аляскадаги дарё. 17. Тропик ўсимликлардан бирининг йирик (баъзан оғирлиги 15 килограммгача етади), туси сарғиш, хушхўр ва ширали меваси. 18. Австралия қитъасининг жанубидаги шаҳар. 19. "Тошкентликда бағоят қадим Яшаб келар эзгу бир ...: Учрашганда биринчи сўроқ – "Тинчликми?" деб, ҳол суриштирмоқ" (М.Шайхзода). 20. Газлама. 21. Маккажўхорининг додли ёки дони олингандан кейин қолган ўзаги. 22. Француз адаби А. Дюма яратган машҳур романдаги уч мушкетёрнинг биринчиси. 23. Тиғи дастасига нисбатан кўндаланг ўрнатилган рўзгор асбоби.

Тузувчи
Х. АБДУЛЛАЕВ.



КРИПТОГРАММА

Циклокрессворд сиртидаги криптограммани ҳал қилиш учун аввало матида арабча рақамлар билан яширилган очқич сўзларни топиб, сўнгра уларнинг барча ҳарфларини тегишли рақамларга мувофиқ равишда ташқи тўртбурчак шаклининг хоналарига бирма-бир ёзиб чиқиш керак.

Агар бу топшириқни тўғри бажарсангиз, криптограммада Ўрта осиелик улуг олим ва мутафаккир, қомусий билим соҳибни Абу Райҳон Беруний ҳикматларидан бирини ўқийсиз.

ОЧҚИЧ СЎЗЛАР:

- I. "Қайда рост 5,17, ўша ерда покиза нон" (Ғафур Ғулом).
- II. Миллий кийим – 14, 15, 6.
- III. Йирик аҳоли пункти – 17, 2, 1, 2, 3.
- IV. "Виждон билан ҳақиқат билан, Ростлик билан кучлидир 5, 6, 7, 8, 6".
- V. Япроқ – 4, 2, 3, 9.
- VI. Офицерлик унвони – 13, 2, 12, 8, 3.
- VII. Хоразмнинг шўх куйларидан бирига ижро этиладиган рақс – 18, 2, 16, 9, 5.
- VIII. Мамлакатимиз жанубидаги вилоятлардан бирининг маркази – 10, 2, 3, 17, 5.
- IX. "Доғ туширмас умрида виждонга 13, 2, 3, 11" (Пўлат Мўмин).
- X. Топишмоқ: "Гулсиз бўлар меваси, Ширин-шакар донаси" – 2, 6, 19, 5, 3.

"АРВОҲ" БИЛАН УЧРАШУВ



Бостонда куппа-кундуз куни бой-бадалат хонадонлардан бирида босқинчилик содир этилди. Шаҳарнинг марказий кўчаларидан бирида жойлашган бу хонадон Япониядаги АҚШ консулига қарашли эди. Хонадон соҳибаси йигирма саккиз ёшли аёл қадрдон ерида кўзи ёриши учун келган экан. Босқинчи бекани бўғиб ўлдирган. Шифокорлар текшириб кўриб аёлнинг қорнида иккита ҳомиласи бўлганлигини айтишди. Жиноятчи бир йўла уч кишининг умрига зомин бўлганди. Қурбонлар сонни тўрт нафарга ҳам етиши мумкин эди. Хайриятки, консулнинг олти яшар қизи вақтида парда ортига беркиниб улгурган. Бу мурғак қизча бутун қотиллик тафсилотларининг гувоҳи бўлган.

Полиция мазкур оғир жиноятда гумон қилиб режидивист Жефф Гофферни ҳибсга олди. Қизча Бесси ҳам марҳума онасини айнан шу киши ўлдирганлигини тасдиқлади. Аммо бошқа далиллар топишнинг иложи бўлмади. Қотил эса ўз айбини инкор этар, терговчининг саволларига жавоб бериш ўрнига эснар, керишар, унга яхшиси ўз изқуварлари билан жўнаб қолишларини маслаҳат берарди. Иш шу тариқа уч ой давом этди. Бирон-бир силжиш рўй бермади.

Лекин Бостон полицияси қотил айнан Гоффер эканлигига амин эди. Уни судга бериш учун эса исбот-далил етарли эмасди. Чунки ҳимоячи ёки бошқа суд иштирокчилари "Ёшгина кўрқиб қолган қизча нималар деб гапирмаслиги мумкин. Фақат унинг кўрсатмаларига асосланиб бир кишини айблаб бўлмайди", – дейишлари мумкин эди. Шунда изқуварлардан бири қизиқ таклифни ўртага ташлади. У Гоффер чаласавод, иримчи киши эканлигини аниқлаганди. Қув қонун ҳимоячиси маҳбуснинг ана шу жиҳатидан фойдаланмоқчи бўлди. У марҳуманинг сўнгги пайтларда тушган суратларидан бирини топиб, ундан кинофильм ишлашни

буюртма берди. Кино тасмасига тасвири-ни тушириш пайтида суратни вақти-вақти билан у ёқ-бу ёққа қимирлатиб туришди. Натижада тасвир намойиш этилаётганда жувон экранда гўё ҳаракатланаётгандай, ҳатто гапирётгандай туюлар эди.

Ярим тунда Гоффер қотиб ухлаб ётган маҳали у сақланаётган камера деворининг икки жойини ўйишди. Бир туйнукка кинопроектор объективини, иккинчисига энг замонавий диктофон микрофонини ўрнатишди. Бу микрофон ҳатто зўрға эшитиладиган товушларни ҳам илғаб оларди. Шундан сўнг камерада соғлиққа зиён етказмайдиган миқдорда магний буғини ҳосил қилиб, проекторни ёқишди.

Шовқиндан безовта бўлиб уйғониб кетган Гоффер қаршисидаги девор олдида марҳуманинг шарпасини кўрди. Шарпа тилга кириб:

– Нега мени ўлдирдинг, Жефф?! Худо бу қилмишингни кечирмайди. Ахир сен яна икки бегуноҳ мурғакнинг умрига зомин бўлдинг! – деди.

Албатта, шарпанинг номидан камера ташқарисида турган, полиция таклиф қилган аёл гапирётган эди. Магний буғи нурда шуълаланиб хонага янада сирли тус берарди.

Гоффер даҳшатга тушиб шарпадан, яъни ўзининг тасаввурича арвоҳдан ялиниб-ёлвориб кечирим сўрай бошлади. Аммо "арвоҳ" бошқа лом-мим демай турарди. Шунда қотил жазавага тушиб, полда думалай бошлади, ўзи ҳам англамай жиноятининг бутун тафсилотларини сўзлаб, кечирим сўрашга тушди. Диктофон эса унинг оғзидан чиққан ҳар бир сўзни оқизмай-томизмай ёзиб олди.

Гофферни ўзига келтириб, сўроққа чақирди. У "арвоҳ" билан бўлган учрашувдан шунчалик таъсирланган эдики, ҳамма қилмишига иқроор бўлди. Ана энди полицияда далиллар етарли эди.

Б. ТОШЕВ таржимаси.



ШАРОИТ ЯХШИЛАНМОҚДА

Хоразм вилояти ИИБ раҳбарияти ички ишлар идоралари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг яшаш ҳамда меҳнат қилиш шароитларини яхшилашга алоҳида эътибор бермоқда.

Ўтган беш йил ичида 86 хонадонга мўлжалланган иккита турар жой биноси қурилиб, фойдаланишга топширилган эди. Айни кунда Урганч шаҳар марказида 54 хонали тўққиз қаватли уй қурилиши қизгин давом этмоқда.

— Бу кўпқаватли уйни Наврўз байрами арафасида тўла битказиш ҳаракатида миз, — дейди вилоят

ИИБ бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Машарип Саидмуратов. — Бино қурилишининг асосий қисми тугалланган, эндиги вазифа пардозлаш ишларини тез ва сифатли амалга оширишдан иборат.

Урганч уйсозлик комбинати қурувчилари томонидан бунёд этилаётган ушбу бинони молиявий томон-

дан қўллаб-қувватлашда Ўзбекистон Республикаси ИИБ Капитал қурилиш ва таъмирлаш бошқармаси раҳбариятининг хизмати бениҳоя катта бўлаётир. Вилоят ИИБ раҳбарияти шаҳар ва туман ички ишлар бўлимларида хизмат қилаётган, турар жойга муҳтож бўлган ходимларга ер участкалари ажратилишига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Вилоятдаги хайрли ишлардан яна бири — барча шаҳар ва туман милиция идоралари бинолари дид билан қайта таъмирдан



чиқарилди. Кўпгина туманларда янги милиция таянч пунктлари биноларининг қурилиши қизгин давом этмоқда.

Х. ЖАББОРОВ.
СУРАТДА: Хоразм вилоят ИИБ бошлигининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Машарип Саидму-

ратов бошқарманинг капитал-қурилиш бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Озод Қурбонов ҳамда Урганч уйсозлик комбинати катта иш юритувчиси Йўлдош Абдуллаевлар бино қурилиши хусусида суҳбатлашишмоқда.

Ж. ҚОЗОҚ олган сурат.

“АЛЬБО, ҚИДИР!”

Кинолог милиционернинг бундай буйругини эшитган “Альбо”, “Герда”, “Дик” сингари хизмат итлари шубҳали автомашиналардан, шахслардан гиёҳвандлик моддаларини қидириб топишда, қуролланган хавфли жиноятчиларни зарарсизлантиришда энг яқин ёрдамчи ҳисобланади.



Вилоят ИИБ кинология марказида хизмат итларини жиноятчиликка қарши курашда қўллашга тайёрлаш машғулоти мунтазам ўтказилиб боришмоқда. Шунинг таъкидлаш лозимки, сўнгги уч йил ичида бу масканда кенг қўламада қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Вилоят ИИБ раҳбариятининг ташаббуси билан шу йил хизмат итлари учун вольер (турар жой)нинг 2-корпуси қуриб битказилди.

Бугунги кунга келиб марказимиз хизмат итларини тайёрлашда ўзига хос мактабга айланган. Ўқув машғулотларини қузатган киши бу фикрга тўлиқ ишонч ҳосил қилиши мумкин. Итлардан жиноятчиликнинг турли кўринишларига қарши курашда фойдаланиш мумкин. Улар автомашиналарнинг хуфиёна жойларига яширилган гиёҳвандлик моддаларни, қурол-яроғларни албатта топадилар.

Шу йил май ойида вилоятимизга ташриф буюрган

Халқаро техникавий ҳамкорлик бўйича Франция полицияси делегацияси аъзолари марказ фаолиятига юқори баҳо беришди. Зеро, бу турдаги хизмат Францияда жуда ривожланган. Келгусида бундай ҳамкорлик туфайли кинология марказимиз муносиб ютуқларни қўлга киритишига шубҳа йўқ. Қолаверса, кинолог ходимларимиз ҳозирги вақтда маълум бир тажрибага эга бўлишди.

Вилоят ИИБ томонидан ўтказилаётган “Тозалаш”, “Арсенал”, “Қорадори”, “Қидирув” ва бошқа тезкор тадбирларда ходимларимиз фаол иштирок этишяпти. Жорий йилда кинологларимиз ўз хизмат итлари билан 76 та жиноятни очишда фаол иштирок этишди. 24 та гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар фож этилди.

Кинолог ходимларимиздан — милиция старшинаси Х. Усмонов, милиция катта сержанти Н. Туримов, милиция сафдорлари З. Фатхуллаев, М. Ҳайдаров, О. Тавбоев хизматда юқори натижаларга эришиб келишяпти.

Ш. МИРЗАКУЛОВ,
милиция катта лейтенанти.

Суратда: милиция катта сержанти Нурмат Туримов ўзининг “Дик” лақабли ити билан машинани кўздан кечиришда.

Б. БЕГИМКУЛОВ
олган сурат.

Ўтганлар ёди... ФИДОЙИ ИНСОН ЭДИ

Яшашга иштиёқ, ҳаётга муҳаббат жўш урган қалбларда курашчанлик туйғуси устувор бўлади. Ҳайит ака Худойбердиев ана шундай бахти бекам инсонлардан бири эди. Сермулоҳазали, етти ўлчаб бир кесиб гапирадиган, катта иш тажрибасига эга, бутун ҳаётини ички ишларга бағишлаган Ҳайит ака ҳаёт бўлганида 73 ёшга тўлган бўларди.



Ҳайит ака Худойбердиев оддий назоратчиликдан вилоят ички ишлар бошқармаси бўлими бошлиғигача лавозимларда хизмат қилган. Ҳар бир жиноятни фож этишда ўзи бош-қош бўларди.

Масалан, Чирокчи туманидаги “Чиял” жамоа ҳўжалигида яшовчи Э. Бойқувватовнинг олтин тангаларни сотиш билан шуғулланиши ҳақида тезкор маълумот олинади. Кўпдан бери тилло тангалар билан муомалада бўлиб келган, бу ёғи Тожикистон Республикасигача мижозлар орттиришга улгурган эди. Аммо у милиция полковниги Ҳайит Худойбердиев қўйган тузоққа илинди. Ана шундан сўнг суриштирув ишлари бошланди. Унинг ҳамкасблари бир-бир тўрга туша бошлади. Э. Бойқувватов дастлабки тергов жараёнидаёқ айбини бўйнига олди.

Ҳайит ака меҳрибон ота сифатида етти қиз, икки ўғилни тарбиялаб ўстирди. Уларнинг ҳаммаси ўзлари танлаган соҳаларда хизмат қилишмоқда. Ўғли Файзулла Худойбердиев ота изидан бориб, ички ишлар идораларида хизмат қилди. Ҳозир у истеъфода. Набираси Юнус Ибрагимов вилоят ички ишлар бошқармасида ишлайди. Турмуш ўртоғи Рўзи момо Шарипова фарзанду набиралари қуршонида бахтли ҳаёт нашидасини сурмоқда. Укасининг ўғли Собир Худойбердиев ички хизмат полковниги. Худойбердиевлар сулоласи ички ишлар идораларида хизмат қилиб, халқ орасида катта обрў қозонишган.

Вилоят ИИБ фахрийлари қўллаб-қувватлаш жамоатчилик кенгашининг раиси, истеъфодаги ички хизмат полковниги Мелик ака Жўраев ҳамкасбини хотирлаб, шундай дейди:

— Ҳайит Худойбердиев манманлик нима эканлигини билмасди. Шу камтарлиги боисми, раҳбарият унга ишонарди. У нафақат шахсий таркиб, балки халқ ичида ҳурмат қозонганди. Бугунги кунда Ҳайит аканинг номини абадийлаштириш масаласи кўриб чиқилмоқда. У яратган мактаб ёш авлод учун катта сабоқдир.

Ҳ. ҲАЙДАРОВ.

“ТАҚДИРИНИГ ЎЗ ҚЎЛИНИГДА”

Тошкент Давлат авиасозлик институти қошидаги лицейда ҳуқуқ-тартибот ходимлари билан ўтказилган учрашув ана шу мавзуга бағишланди.

Тошкент шаҳар Шайхонтоҳур тумани ИИБ Патруль-пост ва жамоат тартибини сақлаш бўлими бошлиғи, милиция капитани Гулом Назаров, профилактика инспектори, милиция катта сержанти Андрей Морозовлар талабаларга гиёҳвандлик ва терроризмнинг даҳшатли оқибатлари ҳақида сўзлаб беришди.

Гиёҳвандлик йўлига кириб қолган ёшлар кеч бўлса-да, ўз хатоларини англаб етадилар. Лекин бу иллат ёшлар ҳаётида бир умр қора доғ бўлиб қолишини вақтида тушунтиришимиз, унинг олдини олишга ҳаракат қилишимиз керак. Шу ўринда лицей жамоасининг маърифий, маънавий ва тарбиявий мавзуларда ўтказилган тадбирлари ибратлидир. Масалан, кино ва видео тарғиботи маркази билан ҳамкорликда “Гиёҳвандлик салтанати: “ёвуз кулфат изидан”, Тошкент Давлат педагогика университети, биология факультети ўқитувчиси Сайфулло Тўйчиев ҳамкорлигида “СПИДнинг тарихи ва унинг фожиали оқибати”, 21-поликлиника шифокори М. Самадова иштирокида “Гиёҳвандлик — аср вабоси” каби мавзуларда ўтказилган суҳбатлар ижобий самара бермоқда.

Ўқувчилар орасида тартиббузарлик, ҳуқуқбузарлик ҳолатлари деярли учрамаяпти.

Учрашув нихоясида ички ишлар ходимлари талабаларни қизиқтирган саволларга жавоб қайтаришди.

Одина ЙЎЛДОШЕВА,
Нодира НАЗАРОВА.

ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

(Боши 3,4-бетларда).

зарарни қоплашдан бош тортиш, шунингдек, содир этилган қилмишида оғирроқ жиноят таркиби белгилари мавжудлиги аниқлангудек бўлса, суд умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритилиши учун ишни прокурорга юбориш тўғрисида аҳрим чиқаради. Суд муҳокамасининг натижалари бўйича суд қонунда белгиланган тартибда аҳрим чиқаради.

Суд аҳримни қуйидаги қоидалар бўйича тузилди.

Суд аҳримининг кириш қисмида:

- 1) аҳрим чиқарилган ва жой;
- 2) аҳрим чиқарган суднинг номи, судьянинг, суд мажлиси котибининг, та-

рафларнинг, таржимоннинг исми, отасининг исми ва фамилияси;

3) гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг исми, отасининг исми ва фамилияси, тутилган йили, ойи, куни ва жойи, яшаш жойи, машғулоти, маълумоти ва иш учун аҳамиятга молик бошқа маълумотлар кўрсатилади.

Суд аҳримининг тавсифасослаш қисмида ярашув учун асос бўлган ҳолатлар баён этилади, ушбу Кодекснинг 585-моддасида санаб ўтилган масалаларга жавоблар ифодаланади.

Аҳримнинг қарор қисмида суд қуйидаги масалаларни ҳал этади:

- 1) суд мажлиси баённомасини тасдиқлаш ҳамда

жиноят иштини тугатиш ёки уни умумий қоидалар бўйича дастлабки тергов юритиш учун прокурорга юбориш тўғрисидаги;

2) эҳтиёт чораси тўғрисидаги;

3) ашёвий далиллар тўғрисидаги;

4) зарарни қоплаш тўғрисидаги;

Суднинг аҳримиға гумон қилинувчи, айбланувчи, судланувчи, жабрланувчи (фуқаровий даъвогар), уларнинг қонуний вакиллари, ҳимоячи томонидан хусусий шикоят берилиши ҳамда прокурор томонидан хусусий протест келтирилиши мумкин.

Кодекснинг эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни тартибга солувчи 242-

моддаси таҳрири енгиллаштирилиш томонига жиддий тарзда ўзгартирилган.

Агар илгари қамоққа олиш эҳтиёт чорасини бир йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар бўйича қўллаш мумкин бўлган бўлса, эндиликда уч йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазо чораси назарда тутилган жиноятларни қасдан содир этган ва беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум этиш жазоси назарда тутилган жиноятларни эҳтиётсизлик оқибатида содир этган шахсларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Алоҳида ҳолларда мазкур эҳтиёт чораси қайд қилин-

ган муддатлардан кам жазо кўзда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича ҳам қўлланилиши мумкин. Бунда, албатта, жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, жиноятчининг шахси, жиноят орқасида етказилган зарарли оқибат ҳисобга олиниши лозим.

Шунингдек, жиноятлар тергов қилинаётганда қамоққа сақлаб туриш муддатини тартибга солувчи Кодекснинг 245-моддаси ҳам тубдан ўзгартирилган. Эндиликда, умумий қоидага кўра, дастлабки тергов давомида қамоққа сақлаб туриш уч ойдан ортиқ давом этиши мумкин эмас.

Бу муддат терговчи та-

момлашнинг имкони бўлмаган ҳолларда ва эҳтиёт чорасини ўзгартириш учун асослар бўлмаган тақдирда тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси прокурори ёки вилоят, Тошкент шаҳар прокурори ва унга тенглаштирилган прокурор томонидан беш ойгача узайтирилиши мумкин.

Қамоққа сақлаш муддатини беш ойдан ортиқ, яъни етти ойгача бўлган муддатга узайтиришга фақат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари томонидан, тўққиз ойгача бўлган муддатга — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан йўл қўйилади. Алоҳида ҳоллар-

(Давоми 14-бетда).

МУДҲИШ РЕЖА

Тижорат билан шуғулланиш айримлар ўйлагандек осон иш эмас. Савдо-сотиқ ва бозорнинг ўз қоидаси бор. Бу ишнинг оғир, энгилига чидаганлар ишни эплаб кетиши мумкин. Гиждувонлик бекорчи, бирор ишнинг бошини тутмай, оғир ишга бўйин эгмай юрган Х. Остонов, А. Азимов, Ш. Комилов ҳамда А. Нуриллаевлар жувонга дуч келишди. Улар бозорда хуфиёна валюта алмаштириш билан машғул эдилар.

Бу аёлларнинг қўлидаги долларларни кўриб Ҳасан ва Анварнинг кўзлари ўйнаб кетди ва қандай йўл билан бўлмасин бу бойликларни қўлга киритиш фикри-хаёлларини чулғди ва уларни ўзлаштириб олиш учун тезда ҳийла ўйлаб топишди. Йигитлар ўзларини савдогарлар сингари кўрсатиб, гап орасида катта миқдордаги ўзбек сўмини долларга алмаштирмоқчимиз, пулларни ижарага олган уйда қолдирганмиз дея аёлларни уйга таклиф этишди. Соддадил аёллар йигитлар найрангига ишониб уларга эргашдилар.

Аваллига йигитлар қармоққа илинтирган "ўлжалар" билан ҳўп гурунглашишди. Анвар пайт пойлаб, ниманидир баҳона қилиб, аёллар билан жанжал кўтарди ва улардан бирини бўга бошлади, Ҳасан ҳам режани пухта амалга ошириш мақсадида иккинчи аёлга ташланди. Қисқа вақт ичида долларфурушларнинг нафаси чиқмай қолди. Йигитлар мурдалар устига кўрпа-тўшакларни ташлаб, тезда уйдан чиқиб кетишди.

Ўзлаштириб олинган 3 минг АҚШ доллари ва 3 миллион туркман манатини йигитлар ўзаро бўлишиб олишди ва ҳеч нарса бўлмагандек бамайлихотир яшай бошлашди. Қилмиш — қидирмиш дейдилар. Туркменистонда жиноят содир этиб, бу мудҳиш воқеанинг изи ўчиб кетди, деб ўйлаган йигитлар чучварани хом санагандилар. Қўшни давлатда олиб берилган суриштирувларда гиждувонлик йигитларнинг дараги чиқиб қолди. Икки давлат ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларининг биргаликда олиб борган тезкор қидирув ишлари натижасида жиноятнинг изи очилди, айбдорлар тегишли жазога тортилди.

М. АДIZОВА.

МУСТАҲКАМ ГОВ

Гиёҳвандликка қарши кураш ҳозирги куннинг муҳим масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Сурхондарё вилояти ИИБ ЙҲХБ ходимлари йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш билан бирга асримиз вабосига мустаҳкам гов қўйишяпти.

2001 йилнинг ўтган даври мобайнида 30 та ҳолат аниқланиб, амалга оширилган тадбирлар натижасида 24 кило 200 граммдан ортиқ гиёҳвандлик моддаси мусодара этилиб, йўқ қилинди.

Масалан, 9 октябрь куни Узун тумани Жончека маскани орқали ўтган автомобиль йўлидан пиёда кетаётган икки аёл ЙПХ ходимларида шубҳа уйғотди. Улар текшириб экспертизадан ўтказилганда бирининг ичагидаги капсулада 75, иккинчисиникида эса 76 грамм героин борлиги аниқланди.

Бойсун тумани Дарбанд ЙПХ масканида Шеробод-Қарши йўналиши бўйлаб "Дамас" русумли автомашинани бошқариб бораётган Р. Н. тўхтатилди. Шунда машинанинг олдинги ўриндиғида ўтирган фуқаро безовталана бошлади. Ундан шубҳаланиб ёни кўздан кечирилганда эгнидаги "Адиас" спорт костюми ва шимининг чўнтагидан героин чиқди.

Заҳри-қотил тарқатишга уринган шахслар қонун олдиди жавоб беришади. ЙПХ ходимлари масканлардаги ҳушёрликни янада оширмоқдалар.

З. ХУДОЙМУРОДОВ,
милиция катта лейтенанти.

КИДИРИЛМОҚДА

Наманган шаҳар ИИБ томонидан қуйидаги шахслар жиноят содир этиб, терговдан яшириниб юрганлиги учун қидирилмоқда.



Хайриддин Садриддинович ЮЛДАШЕВ. 1972 йилда туғилган. Наманган шаҳар Бобуршоқ кўчаси, 6-берк кўча 12-уйда яшаган.



Малика Валихановна ДАДАБОВА. 1972 йилда туғилган, Наманган шаҳар Уйчи кўчаси, 190-уйда яшаган.



Халим Патхиддинович ЗАКИРОВ. 1962 йилда туғилган. Наманган шаҳар Бурама-тут кўчаси 10-уйда яшаган.



Зулфия Ваҳобжоновна СОБИРОВА. 1965 йилда туғилган. Наманган шаҳар Бурама-тут кўчаси, 10-уйда яшаган.



Қодир Ҳасанхонович ТОХИРОВ. 1974 йилда туғилган. Наманган шаҳар Чаманзор кўчаси 3-уйда яшаган.

Юқорида номлари зикр этилган шахсларни кўрган ёки қардалигини билганлардан яқин орадаги милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

Б. КЛЕЙМАН.

КЎЗБЎЯМАЧИЛИК ФОШ ЭТИЛДИ

Кўрғонтепа туманидаги Султонобод қишлоғида ота-бола яшарди. Ўғилнинг исми Расул эди. Хонадонда эски "Жигули" машинаси бўлиб, хонадон соҳиби кексайиб қолгани сабабли анчадан бери "қантариб" қўйилганди.

— Ҳайдовчиликка ўқиб олсанг яхши бўларди ўғлим, — дерди Маҳмуд ака. — Вақт-бемаҳал машинани бошқариб турардинг.

— Нима кераги бор, шундай ҳам ҳар қандай устомон ҳайдовчини қувиб ўтиб, ундан ўзиб кетишим мумкин.

— Йўқ болам, гувоҳнома олмагунингча руль бошқаришинг ярамайди.

Ота насиҳатларига қарамай Расулнинг ўқишга бўйни ёр бермади. Аммо машина ҳайдагиси келарди. Кунларнинг бирида миясига келган фикрдан юзи ёришиб кетди. У отасининг ҳайдовчилик гувоҳномасидаги суратни кўзгудаги ўз аксига солиштириб кўрди. Йўқ, ўхшамайди. Тўғри-да, ўрта-

ларида қирқ ёш фарқ бўлса қандай қилиб ўхшасин. Бунинг устига гувоҳноманинг "Туғилган йили" деган хонасида "1932" рақами турибди. Унда нима қилиш керак?

Топқир Расулжон ўйлаб ҳам ўтирмай "3" рақамини "7" қилиб ўзгартирди. Хонада керакли "1972" рақами пайдо бўлди. Шундан сўнг отасининг исмини ўчириб ташлаб, ўрнига ўзиникини ёзиб олди. "Хайрият фамилиямиз бир хил", — хаёлидан ўтказди "ишбилармон" ўз суратини отасиники ўрнига ёпиштирар экан. Гувоҳномани кўздан кечирган Расулжоннинг афти буришди. "Бу билан узоққа боролмайсан", — деди у ўзига ўзи.

Расулжон болалигидан қайсар бўлиб ўсгани учун ярим йўлда тўхтаб қолишни ёқтирмасди. "Гувоҳномани алмаштириш керак. Бунинг учун эса унинг кўриши ўзгариши зарур!". Фирибгар бу фикрдан яшнаб кетди.

Онаси нон ёпиш учун тандирга ўт қалаб, ичкарига қириб кетган эди. Қизиб турган тандирга яқинлашган Расулжон ҳайдовчилик гувоҳномасини унинг ичага ташлаб юборди. Бир неча сониядан сўнг олов ичидан тортиб олди.

— Ана энди яроқсиз ҳолга келган бу ҳужжатни алмаштира бўлади, — деди у шивирлаб. Расулжон ЙҲХБга бориб, масъул ходимга хонадониди ёнгин чиққани ва бунинг оқибатида ҳайдовчилик гувоҳномасининг кўп қисми ёниб кетганини айтди. Бироқ милиция майори Б. Юсупов анойилардан эмас эди. У гувоҳномани синчиклаб кўздан кечириб, сохта эканлигини билди.

Расулжон қилмишига яраша муносиб жазо олди. Кўрғонтепа туман суди уни уч йил муддатга ахлоқ туза-тиш ишига жалб қилиб, давлат фойдасига маълум маблағ ушлаб қолиш ҳақида ҳукм чиқарди.

ХУРМАЧА ҚИЛИК

Вақтида етиб келган милиция ходимлари Ҳамроқулни Навоий тумани ИИБга келтиришди. Бу ерда унинг яна бир хурмача қилиғи аён бўлди. Холислар иштирокида ички кийими кўздан кечирилаётганда липпасига кистирилган, қоғозга ўралган яшил рангли, ўткир худли ўтсимон модда топилди. Кимёвий экспертиза унинг марихуана эканлигини кўрсатди.

Шундан сўнг ходимларимиз унинг уйини ҳам кўздан кечирдишлар лозимлигини айтишди. Сири фох бўлишига кўзи етган Ҳамроқул ҳовлисидаги омборхонада ҳам бу заҳри-қотилдан гамлаб қўйганлигини тан олди. Ҳақиқатан холислар иштирокида тинтув қилинганда, эски-туски латта-путталар орасига усталик билан яширилган машина гилдираги ичидан еттига қоғоз парчасига ўралган марихуана олинди. Тортиб кўрилганда уларнинг соф оғирлиги 120 граммдан ортиқлиги аниқланди.

Маълум бўлишича, Ҳамроқул баҳорда "деҳқончилик" билан шуғулланишни ният қилган экан. У ишни томорқасига наша экишдан бошлабди. Икки тул нашани эрта кўкламдан ёзнинг ўрталаригача парваришлаб, сўнг қуришти, майдалаб, "истеъмол қилиш"га тайёр ҳолга келтириб ҳалиги жойга яшириб қўйибди.

Албатта, асл мақсади заҳри-қотилни сотиб, фойда олиш бўлган. Уни алоҳида-алоҳида еттига қоғоз парчасига ўраб қўйганининг сабаби ҳам шунда. Фақат "Балиқ сув ичида яшайди, сув ичади" деганларидай, етиштирган маҳсулотидан ўзи ҳам вақти-вақти билан чекиб турган. Ҳойнаҳой, липпасига кистириб олгани ўзига аталгани бўлса керак.

Ю. ЭШМУРОДОВ,
милиция капитани.

ҲУҚУҚИЙ-ДЕМОКРАТИК ЖАМИЯТ САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

(Боши 3,4,13-бетларда).

да, тергов қилинаётган ишнинг ўта мураккаблигини инобатга олиб, оғир ҳамда ўта оғир жиноятлар содир этганликда айбланаётган шахсларга нисбатан қамоқда сақлаш муддати Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан бир йилгача узайтирилиши мумкин. Муддатни яна узайтиришга йўл қўйилмайди.

Бугунги тергов амалиётида республикамизда жиноятларни тергов қилишда терговнинг тезкорлигини таъминлаш, аксарият ишларни уч ойгача ҳам етказмасдан бир ой, икки ойгача бўлган муддатларда тамомлаш асосий вазифалардан ҳисобланади.

Ички ишлар вазирлиги Тергов Бош бошқармаси раҳбарияти бу вазифаларни бажаришга қаратилган қатор тадбирларни амалга оширмоқда ва улар ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Буни биз статистик рақамлардан кўрсатиб бўлади.

Жорий йилнинг тўққиз ойи давомида Ички ишлар вазирлиги тизимидаги терговчилар томонидан тергов қилиб тамомланган 30657 та жиноят ишидан атиги 60 таси, яъни 0,2 фоизга яқини уч ойдан ортиқ муддатда тергов қилинган, холос.

Кодексининг дастлабки тергов муддатларини тартибга солувчи 351-моддаси ҳам юқоридаги модда талабларига тўлиғича мувофиқлаштирилган.

Эндиликда дастлабки тергов жиноят иши кўзга-тилган кундан бошлаб уч ойдан ошмаган муддатда тамомланиши лозим.

Дастлабки тергов муддати, уни узайтириш тартиби қамоқда сақлаш муддати ва уни узайтириш тартибига тўлиқ мослаштирилган.

Фақат дастлабки тергов ва қамоқда сақлаш муддатларини эмас, балки судларда ишларни кўриб чиқиш муддатларини қисқартириш, шунингдек, жиноят ишларини судда кўриш тартибини соддалаштириш ҳам жиноят, Жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини либераллаштириш ва демократлаштиришнинг муҳим вазифаси ҳисобланади.

Бу борада Жиноят-процессуал кодексининг 405-

моддаси таҳрири ўзгартirilганлиги ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Унга кўра, суд жиноят ишини кўриб чиқишни у томонидан ишни судда муҳокама қилишга тайинлаш ҳақида қарор чиқарилган пайтдан бошлаб, аввалгидек, ўн беш сутка эмас, балки кўпи билан ўн суткада бошлаши лозим.

Бундан ташқари, қонунчилигимизда ишларни судда кўриб чиқиш муддати ва уларни узайтириш тартиби биринчи марта киритилган.

Чунончи, жиноят ишини мазмунан ҳал қилиш суд томонидан мазкур ишни кўриб чиқиш бошланган вақтдан эътиборан узоғи билан икки ой ичида тугаланиши лозим.

Юқорида баён қилинган муддат биринчи инстанция судининг ажримига асосан Қорақалпоғистон Республикаси жиноят ишлари бўйича Олий судининг, жиноят ишлари бўйича вилоят, Тошкент шаҳар судларининг, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий судининг раиси томонидан тўрт ойгача узайтирилиши мумкин.

Судларда жиноят ишларини кўриб чиқиш муддатини тўрт ойдан кўпроққа узайтиришга алоҳида ҳолларда фақат мураккаб ва кўп воқеали ишлар бўйича йўл қўйилади. Биринчи инстанция судининг ажримига асосан беш ойгача бўлган бундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг ўринбосари ва олти ойгача

бўлган шундай узайтириш Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан амалга оширилади.

Хулоса шуки, жиноят ишларини кўриб чиқишни соддалаштириш, ишларни тергов қилиш ва судда кўриш муддатларини қисқартириш процесс қатнашчиларининг вақтини тежашга, далилларни тўплаш, мустаҳкамлаш ва уларга баҳо беришда тезкорликни таъминлашга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни юқори даражага кўтаришга хизмат қилади.

Мамадиёр УСМОНОВ,
Республика ИИБ Тергов Бош бошқармаси бошлигининг ўринбосари, милиция полковниги.

КАСАЛЛИКНИ ЖИЛОВЛАШ МУМКИН

XX аср охирида инсоният олдида пайдо бўлган энг катта, оғир муаммолардан бири – бу орттирилган иммун танқислиги синдроми, яъни ОИТСдир. У жамиятнинг ижтимоий, иқтисодий ва демографик асосларига ўта салбий таъсир кўрсатади. Касалликка қарши курашиш катта маблағларни талаб этади. Беморларни боқиш, даволаш, ташхис ва муолажа воситаларини ишлаб чиқиш, фундаментал тадқиқотлар олиб бориш учун миллиардлаб долларлар сарфлашга тўғри келади. ОИТС биз билан бирга XXI асрга ҳам кириб келганини ҳар биримиз чуқур англаб етишимиз зарур. Унинг юқиш, тарқалиш хавфини камайитириш учун одамлар касаллик, унинг олдини олиш йўллари ҳақида кўп нарсани билишлари керак.

ОИТС эпидемиясининг ўсишини тўхтатиш мумкин. Аммо кураш чоралари тубдан яхшиланмаса, кенгайтирилмаса, касаллик келажакда инсониятга бундан ҳам кўп зарар етказиши ҳеч гап эмас.

Одам иммун танқислиги вируси орттирилган иммун танқислиги синдроми келтириб чиқаради. Касаллик оғир кечиб, ўлимга олиб келади. Мамлакат-

миздаги бу касалликни ташувчиларнинг 80 фоизи томирига гиёҳвандлик моддаси юборувчи гиёҳвандлардир.

ОИТС тарихига назар солсак, АҚШда 1981 йил июнида бошланган эди. Ўшанда калифорниялик бир гуруҳ врачлар беш нафар эркада зотилжамнинг камдан-кам учрайдиган типини аниқладилар. Бу инфекция иммунитетни

жуда пасайиб кетган кишиларга, масалан, аъзолари трансплантация йўли билан алмаштирилган ёки лейкокемиянинг баъзи турларига чалинган беморларга юқиши мумкин. Ёш беморлар у тоифага ҳам, бунисига ҳам кирмасдилар. Аммо ҳаммаси бесоқолбозлар эди. 1982 йилда Америкадаги касалликларни назорат қилиш бўйича марказлар касалликлар реестрига янги касаллик тури – орттирилган иммун танқислиги синдроми (ОИТС) киритишди. Унинг аломатлари, белгилари берилди. Шундан сўнг АҚШда ҳам, Фарбий Европада ҳам уни расман кузатиш, ўрганиш бошланди.

Шу пайтгача ОИТС ҳасталигидан дунё бўйича 23 миллиондан ошди одам вафот этди. Уларнинг 9 миллиондан зиёди аёллар, 4,2 миллиони ёши 15 дан ошмаган болалардир. Фақат 2000 йил мобайнида бу касалликдан ўлганлар сони 3 миллиондан ошади. Шундан

1,3 миллиони аёллар, ярим миллиондан зиёди эса болалардир. Ушбу инфекция вируси юққан одамлар сони 60 миллиондан кўп. Жанубий Африка мамлакатлари катта ёшдаги аҳолисининг 40 фоиздан зиёди ОИТСга чалинган.

ЮҚИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ

1. Инсон иммун танқислиги вируси (ВИЧ) юқиши учун одам организми ичида ёки суюқлигида бўлиши керак.
2. Организмнинг ҳамма суюқлиги таркибида ҳам ВИЧ бўлавермайди. ВИЧ фақат қон, сперма, вагинал секретция, сийдик, тупук, кўз ёши (рўйхат бўйича вирус микдори камайиб боради) орқали юқади.
3. Юқиши учун ВИЧ қонга, шиллиқ пардага, жароҳат юзасига тушиши керак.
4. Яна шунга эътиборини қаракки, ВИЧ ташувчи одам жамоат орасида ўзини тўғри тутса, эҳтиёт чораларга, профилактика талаб-

рига риоя қилса, жамиятга ҳеч қандай хавф туғдирмайди.

Касаллик қуйидаги аъзолар орқали юқади (юқиш эҳтимоли рўйхат бўйича камайиб боради):

1. Вена
2. Анус ва тўғри ичак.
3. Қин.
4. Олат (сийдик йўли).
5. Оғиз (томоқ, ошқозон).
6. Теридаги жароҳатлар, очик яралар (ҳатто микроскопик бўлса ҳам).

Касалликдан сақланишнинг энг мақбул йўли соғлом турмуш тарзи кечирish, тасодифий жинсий алоқалардан тийилишдир. Гигиена қоидаларига ҳамisha риоя қилиш зарур. Одатдаги алоқа-муносабатлар вирус юқишига сабаб бўлмайди. Юқори ҳарорат, маиший ювиш воситалари вирусни емиради. Шунинг учун оддийгина ювиш ҳам кийим-кечакларни, идиш-товуқларни дезинфекциялайди.

Эслатиб ўтамиз: чивинлар ва бошқа ҳашаротлар ВИЧ инфекцияни ташимайди.

Д. ТўРАНАЗАРОВ,
тиббиёт хизмати полковниги.

Спорт

СОВРИН ЯНА “ПОСБОН”ДА

Тошкент шаҳар Футбол федерациясининг “Суперкубок” ўйини иккинчи марта ўтказилиши. Мусобақа тартиби жуда оддий. Тўрт жамоа – “Наврўз” кубоги, “Мустақиллик” кубоги, Тошкент шаҳар ҳокими кубоги голиблари, шунингдек, республика чемпионати иккинчи лигасида биринчи ўринни эгаллаган футболчилар ўзаро куч синашишади. Ўтган йилги турнирда пойтахт милициясининг “Посбон” жамоаси ушбу соврин соҳиби бўлган эди.

Бу йилги беллашувларда ҳам ана шу жамоа уюшқоқлик кўрсатди. Дастлабки учрашувда Тошкент шаҳар ИИББ футболчилари “Шайхонтоҳур” жамоаси устидан 4:2 ҳисобида ғалаба қозонди. Шундан сўнг яна зафар кўчиб, биринчи ўрин учун “Студент” жамоаси билан куч синашди. Ушбу учрашувда “Посбон” 5:4 ҳисобида қийин ғалабани қўлга киритди. “Суперкубок” яна пойтахт милицияси вакилларида қолди.

ЖАКСОН ХОТИРА ТУРНИРИ

Фарғонада бокс бўйича Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий, афсонавий спортчи ва устоз С. Жаксон хотирасига бағишланган анъанавий халқаро турнир ўтказилди.

Баҳсларда “Динамо” ФСЖ чарм қўлқоп усталари маҳорат кўрсатишди. Ўз вази тоифасида Б. Қодиров (48 кг) ва С. Наимов (81 кг)лар биринчи ўринни эгаллашди. Иккинчи ўрин Р. Рустамов (51 кг), учинчи ўрин эса Д. Абдураҳмонов (75 кг)га насиб этди.

Ўз мухбиримиз.

Найранг

Котиба-реферантлик курсини битирган Л. Ольга ўз мутахассислиги бўйича узоқ вақт иш ахтарди. Агентликларда турли баҳоналарни рўқач қилишар ёки тўланадиган маош ҳаддан ташқари кам бўлиб чиқарди.

Ниҳоят Ольга “Котиба-реферант керак. Тўлов – ишбай” деган эълонни ўқиб қолди. Унинг дипломи иш берувчиларга маъқул тушди. Анкеталар тўлдирилди. Ба-жариладиган иш – факс ва телефонограммаларни қабул қилиб олиш, босма маҳсулотлардан нусха олиш ва эгаларига электрон почта орқали ёки хатжилдларда жўнатишдан иборат эди. Бошланишига ҳар ойда 500 АҚШ доллари микдорда маош тўлашга ваъда беришди.

– Хонадонингизда компьютер жиҳозлари борми? – сўрашди ундан суҳбат ниҳоясида.

– Йўқ эди-я, – деди Ольга ва зўрға топган ишидан айрилиб қолаётгандек вужудини муздек тер қоплади. –

“ЖИГУЛИ” ЎРНИГА... КОМПЬЮТЕР ЛАШ-ЛУШЛАРИ

Ўзларингиз таъминламайсизларми?

– Нималар деяписиз? У қанча туришини биласизми? – саволига савол билан совуққина жавоб қайтаришди.

Ольга шу топда ўкириб йиғлаб юборишга ҳам тайёр эди.

– Минг доллар келтириб берсангиз гаровга топиш мумкин, – дейишди улар. – Ишдан бўшаётганингизда пулингизни қайтариб берамиз.

– Очиғи ҳаётим давомида шунча пулни қўлимга ушламаганман...

– Эҳтимол бирор мулк ёки кўчмас мулкнинг бордир?

– Уйни назарда тутаяпсизларми? Э, йўқ, ота-онам руҳсат бермайди. Шошманг, шошманг, эскироқ “Жигули” миз бор, аммо ҳали чидайди.

– Бўпти, розимиз.

Машинани фирма ҳодимларидан бирига сотиш ҳуқуқини берувчи ишонч қоғози орқали расмийлаштиришди. Шундан сўнг Ольганинг хонадонига бешта кутида жиҳозлар келтириб беришди. Уни фирмага ҳодимлар тўлиқ олингандан сўнг улаб беришларини айтишди. Ольга икки ойга яқин вақт кутди. Бу орада илорадагилар телефон гўшагини кўтармай қўйишди. Ольга хонадонидagi кутиларни очиб кўргандан кейингина гап нимада эканлигини тушуниб етди. Кўз олдида аллақачон хизмат муддатини ўтаб рўйхатдан чиқарилган, бунинг устига яроқли эҳтиёт қисмлари юлиб олинган компьютер лаш-лушлари турарди...

“Жигули”ни эса энди фирибгарлар маза қилиб миниб юришибди...

“АИФ”дан олинди.

БЕДАРАК ЙЎҚОЛГАН



Жиззах шаҳар ИИБ томонидан Жасур Муродович СОАТОВ кидирилмоқда 1984 йилда туғилган. Жиззах шаҳар “Ёшлик” маҳалласидаги янги участкада яшаган. У 2001 йил 29 апрель куни уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Янгийўл тумани ИИБ томонидан Фахриддин Носирович КАМОЛОВ кидирилмоқда. 1982 йилда туғилган. Янгийўл тумани Бобур номли жамоа хўжалиги “Марказ” бўлимида яшаган. 2000 йил сентябрь ойи ўрталарида уйдан чиқиб кетиб, қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 160-165 см., озгин гавдали, қорачадан келган, сочлари, қошлари, кўзлари қора, қиррабурун, лаблари қалин.

Кийимлари: эғнида оқ-қора рангли йўл-йўл кўйлак, сарик футболка, оқш ранг шим, оёғида яшил лойабзал бўлган.

Асосий белгиси: тепа жағидаги олдинги икки тиши қийшиқ.



Китоб тумани ИИБ томонидан Искандар Абдуғафорович ҚОДИРОВ кидирилмоқда. 1986 йилда туғилган. Китоб шаҳар Санам кўчаси 13-уйда яшаган. И. Қодиров 2001 йил 30 октябрь куни соат 7.30 да мактабга бораман деб, уйдан чиқиб кетиб қайтиб келмаган.

Белгилари: бўйи 170 см, ўртача гавдали, сочи қора калта, қошлари ингичка қора, кўзи қора, юзида хуснбузарлари бор.

Кийимлари: бошида кўк гулли спорт шапкаси, эғнида кўк спорт костюми, оқ-қора жемпер, жигарранг катак кўйлак, ҳаворанг жинс шим, оёғида қора туфли бўлган.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЙХББ раҳбарияти ва шахсий таркиби Бухоро вилояти ИИБ ЙХББ бошлиғи, милиция майори Раҳматилла Камоловга укаси

Нусратилла КАМОЛОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент Олий ҳарбий техник билим юрти оркестрининг катта концертмейстри, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист

Мухриддин ХОЛИКОВнинг фожиали ҳалок бўлгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси раҳбарияти ва шахсий таркиби Конституциявий ҳуқуқ кафедраси профессори Рауф Қайюмовга онаси

ИНОБАТ аянинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этадилар.

Тошкент шаҳар ИИББ раҳбарияти ва шахсий таркиби ППХ ва ЖТСБ бошлиғининг ўринбосари, милиция полковниги Бегмат Ходиметовга акаси

Алмат ХОДИМЕТОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдирадилар.

Сурхондарё вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма бўлинмаси бошлиғи, милиция майори Юсуф Хасановга падари бузруквори

ОЛТИБОЙ отанинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ ҳузуридаги Қуриқлаш бирлашмаси раҳбарияти ва шахсий таркиби истеъфодаги милиция подполковниги Раҳим Боздаховга ўғли

Женис БОЗДАХОВнинг фожиали вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

ЎЗБЕКISTON
RESPUBLIKASI IIV
BIRLASHGAN
Tahririyati

MANZILIMIZ:
700029,
Toshkent,
Yunus Rajabiy
ko'chasi, 1

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.

Bosh muharrir
Zokir ATAYEV

Bosh muharrir o'rinbosari v.b.
Murod TILLAEV

Mas'ul kotib o'rinbosari
B. AZIMOV
Navbatchi:
S. SHAMSIDDINOV
Musahhihlar:
M. AKRAMOVA
G. XOLIQOVA

Sahifalovchi va dizayner:
A. MIRZAMUHAMEDOV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 139-77-23.
Mas'ul kotib 139-73-88.
muhbirlar bo'limi 139-75-69.
Buhgalter 139-75-37
Faks 54-37-91.

Gazeta tarqatish masalalari bo'yicha murojaat uchun faks: 54-37-91
Tel.: 59-23-08

E-mail:
urmvd@globalnet.uz

Bizning hisob raqamlarimiz
O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki Toshkent shahar Bosh boshqarmasi hisob-kitob — kassa markazida:
21596000200447980001, MFO 00014.

ABN AMRO Bank HB O'zbekiston A.O.
20210000300447980002 MFO 00831, I/r 5033853 INN 200637499

• Ko'chirib bosishda «Postda»dan ekanligini ko'rsatish shart

• Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin.

• Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat matbuot qo'mitasida 00007 raqam bilan ro'yxatga olingan Buyurtma G — 3022.
Hajmi — 4 bosma taboq.
Bosilish — ofset usulida.

Bosishga topshirish vaqti — 19.00.
Bosishga topshirildi — 19.00.

Obuna raqami — 180

Umumiy tiraj 47 575 nusxa.

«SHARQ»
nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonamanzili:
Buyuk Turon ko'chasi 41-uy.
1, 2, 3, 4, 5, 6.